

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

COVIDGA

ISHONMAGANLAR BIRINCHI NOMZOD

4

Бундай одамлар COVID диссидентлар деб аталади. Яқинда ана шундай теҳаслик COVID диссидент коронавирусдан вафот этди. У COVID юқтирган одам томонидан уюштирилган COVID тантана (кечада)да қатнашганидан сўнг коронавирус инфекциясидан вафот этди.



MODA deganlari shumi?

yoхud insoniy fazilatlarimizga darz ketdi(mi)?!

Ш у ерда ўринли савол туғилади. Хўш, янгича модалар-у урфларни ким жамиятга олиб кирапти? Ким бундан манфаатдор?! "Божхонадан" омон қолган, турли солиқ, мажбуриятларидан тинкаси қуриган, мол-ҳолини сотиб, ўзини бизнесга урган тадбиркорми?! Ёки энди ўсмир оstonасига етиб, оқ-қорани таниб улгурмаган боласини хорижга ишга юбориб, 300-400 долларлик бойвачча хонимга айланган кайвони хотинларми?! ●12

So'zning suvrati

Б ошлангич синфда мени "безори болалар" қаторига қўшиб қўйишган бўлишса, юқори синфга ўтгач, "тарбияси оғир болалар" рўйхатига кириштиди. "Сен одам бўлмайсан! Сенинг одам бўлишинг қийин"-ўқитувчиларим бир гапни қайта-қайта эслатишдан чарчашмасди. Мен эса борган сари шундай бўлишга ишонардим ва кўксимни алам, нафрат тобора забт этиб борарди. Шундан сўнг ҳаётга нафрат кўзи билан қарай бошладим, ҳамма-ҳаммани ёмон кўриб қолдим. ●9



Arzanda o'g'ilning "KIRDIKORLARI"



Дониёр 14 ёшида психотроп дори воситасини қабул қилишга ўрганиб қолди. Унга плестейшн хонасидаги "ака"лари "устоз"лик қилишди. Бошланишида бир икки марта ичиб, кейин ташлаб юбораман, деган йигит бу ҳақдоридан қутулишга иродаси етмади. Бора-бора қайси дорига пули етса ўшани сотиб олиб ичиб юрди. Уйлангач бу балодан қутуламан, деб ўзини овутиди аммо яна уддасидан чиқолмади. Аёли фарзандли бўлишни кутиб чарчади. Дониёрнинг бепуштлигини билгач, ажралишга қарор қилди. ●6

VAZIR SARDOBADA AHOЛИ MUAMMOLARINI O'RGANDI

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида юз берган табиий офат талофатларидан жабр кўрган аҳоли муаммоларини ўрганиш, турмуш тарзи билан атрофлича танишиш мақсадида вилоятнинг Сардоба туманига ташриф буюрди.

Ташриф давомида тумандаги "Юртдош" маҳалла фуқаролар йиғини Янги аср кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Гулноза Сотиболдиева ҳамда Эътибор Ортиқбоеваларнинг хонадонларида бўлиб, фуқаро Г.Сотиболдиеванинг



Бугун бутун дунё аҳлини ташвишга солаётган тождор душманга қарши барча бир куч бўлиб курашиши зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётини заруратсиз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилса, биз бу касалликни, албатта, енгамиз.

UYDA QOLIB, O'ZIMIZNI VA O'ZGALARNI ASRAYLIK!

Шундай оғир дамда ҳаётини хавф остига қўйиб беморларга шифо улашаётган шифокорлар ва ҳамшираларни "бугуннинг қахрамонлари", дея номласак сира муболаға бўлмайди.


Ҳатто кўп қабил шифокорлар ва ҳамширалар касбига содиқ қолиб касалликка чалинишсада, даволанишгач яна ортга чекинмай, бу кўринмас ёв билан курашишмоқда. Ўз ҳаловатидан кечиб, соғлигини хатарга қўйган барча тиббиёт ходимларига миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳудуд шифохонага отланаётиб, уни хавотир тўла нигоҳлари билан гўё урушга кузатаётган оила аъзоларига "Мен ўз бурчимни бажаргани кетаяпман, хавотирланманг!" деб хайрлашаётган бу инсонлар ҳақиқий фидокорлардир.

Биз улар билан бирга бўлиш орқали касалликни енга оламиз. Бу кунлар ҳам ортда қолади. Асосийси, келажакка умид билан яшайлик.

Барча қилнаётган меҳнатлар, оиламизнинг тинчлиги, яқинларимизнинг сиҳат-саломатлиги-ю ватанамизнинг буюк равнақи учун эканини асло унутмайлик.

Жажи болаларнинг кулгисию ёши



улуғ қарияларимизнинг маюс қалблари бугун бизнинг кўлимизда дўстлар. Синовни бирга енгайлик, барча амалга оширилаётган чора-тадбирларга риоя қилайлик. Оқ кўнгилли инсонлар меҳнатини қадрлайлик, уларни асосий айбламайлик.

Уйда қолиб, ўзимизни ва ўзгаларни асрайлик!

Шоҳрух Шаропов,
"Yoshlar - kelajagimiz"
жамғармаси Навоий вилоят
координатори.

Президентимиз томонидан моддий ёрдам сифатида берилган компенсация пули ажратилиши тўғрисида қилган мурожаати юзасидан суҳбатлашишди.

Ўрганишлар давомида 1990 йилда туғилган фуқаро Г. Сотиболдиеванинг бир нафар фарзанди борлиги, ота-онаси билан бирга яшаб келаётган уйи тошқин оқибатида жиддий талофат кўрмаганлиги сабабли ишчи гуруҳ томонидан сув тошқинидан талофат кўрган хонадонлар рўйхатига киритилмаганлиги маълум бўлди.

Аммо фуқаро Г. Сотиболдиеванинг хонадонидagi қўшимча бинолар таъ-

мири учун Ишчи гуруҳ томонидан 60 ташифер, 1200 кг цемент, 25 кг эмулция суюқлиги етказиб берилган.

Шунингдек, "Юртдош" маҳалла фуқаролар йиғини Янги аср кўчасидаги мавжуд таъмирталаб 17 та хонадонни қурилиш-таъмирлаш ишлари учун вилоят ҳамда туман ҳокимлиги томонидан зарур бўлган қурилиш материаллари ажратилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Р.Маматов мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Э.Ортиқбоева хонадонига ҳам ташриф буюриб, унинг фарзанди — 2014 йилда туғилган, 2 гуруҳ ногирони Мукаррам Содиқжоновга ногиронлик аравачаси ажратиб беришда амалий ёрдам кўрсатди. Шу билан бирга Сирдарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси қошида ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази томонидан бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Ташриф давомида ушбу кўчада истиқомат қилаётган аҳоли учун доимий ичимлик суви таъминоти, пандемия шароитида озиқ-овқат ҳамда кундалик эҳтиёж моллари етказиб берилиши мақсадида кўчма савдо дўконлари ташкил этиш, мактаб ўқувчилари учун автобус қатновини йўлга қўйиш, тошқин оқибатида зарар кўрган хонадонларга зарарни тиклаш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишларида қурилиш моллари ажратилиши юзасидан тегишли раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

MURUVVAT KARVONLARI YO'LG'A CHIQDI

Бугунги пандемия шароитида Жиззах вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси ташаббуси билан "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида вилоятдаги 2000 дан зиёд эҳтиёжманд оилаларга бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Ўтган икки кун давомида "Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтерлик маркази"нинг 1197 ишонч рақамига 1000 га яқин мурожаатлар келиб тушган бўлса, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда фалолари томонидан 2000 дан зиёд эҳтиёжманд оилалар аниқланган. Уларга "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан

10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат, умумий қиймати 130 000 минг сўмлик ёрдам қутилари етказиб берилмоқда.

— Мақсадимиз ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларни қамраб олиб, уларга бугунги оғир вазиятда имкон қадар ёрдам беришдан иборат, — дейди Жиззах вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъул ходими Аъзамат Дархонов.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.



ADIBLAR XIYOVONI – QUTLUG' DARSXONA

Хали бутун руйи жаҳон шеър булажак,
Фақат бекор билиб ором кучогини –
Бу дунёни сирага кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеърятнинг пичогини!

Адиблар хиёбони-га келган киши, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ёзганидай, бутун оламнинг шеърга, адабиётга айланганига гувоҳ бўлади. Бу ерда ижод қадрланди. Сўзга ҳурмат кўрсатилди. Улуғ ёзувчи-шоирлар хотираси улугланди. Ўзбек адабиётининг устунлари қад кўтарди. Ўзбекистонлик шоирлар бир давра бўлишди. Энг юқорида эса сўз мулкининг султони Алишер Навоий уларга боқиб турибди. Гўё адабиётдан сабоқ бераётгандай.

Хиёбонда йигирма беш нафар истеъдодли адибга ўн уч нафар кўли гул ҳайкалтарошнинг асарларга татиғулик санъат асарлари ўрнатилди. Адабиёт эътибордан юксалади. Рағбатдан куч олади, ривожланади. Тарихга назар солинг. Саркарда ва сиеъатчи – соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар даврида юксак эътибор туфайли маданият, илм-фан қатори адабиёт ҳам ривожланди. Туркий тил ва адабиёт юксак чўққига чиқди. Ўнлаб улуғ шоирлар камол топди, юзлаб бебаҳо асарлар ёзилди. Ишонаман, бугунги адабиётга бўлаётган эътибор ҳам ақин орада ўз мевасини беради.

Давлат раҳбари хиёбонда ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан бўлган учрашува: "Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти", деди. Биз – Ўзбекистон ёзувчи-шоирлари халқимизнинг мана шу юрагини, миллатимизнинг маънавиятини, замон қахрамонлари, ўзбек халқининг қиёфасини, кўнглидаги изтиробларини бадиий тил орқали кўрсатиб беришимиз лозим.

Бугун Адиблар хиёбони одамлар



билан гавжум. Кун кеча телевидение учун материаллар тайёрлаш учун у ерда

бўлганимизда, бир отахон набиралари билан боғни айланиб юрган экан. Улар Абдулла Қодирий ҳайкали олдида келгач, набиралардан бири ҳайкал такурисидеги ёзувларни ўқиди: "Абдулла Қодирий". Болани саволга тутдим: "Абдулла Қодирий ким бўлган?" Бобо набрига ўргатди: "Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси".

Мана, Адиблар хиёбони нима учун қурилди? Халқимизга бу дарсхона нима учун керак? Халқ, келажак эгалари ўз қахрамонларини таниши керак. Кейинги йилларда маърифатпарварлар ижодини ўрганишга, уларнинг ҳаёти ҳақида ёзилаётган асарлар, яратилаётган бадиий ва ҳужжатли фильмлар туфайли бугун халқимиз узилиб қолган ўтмиши би-



лан юзлашмоқда, тарих билан алоқани тикляпти. Бу эса Ўзбекистоннинг, ўзбек миллатининг янада юксалишига, дунё тамаддунида қайтадан ўрин эгаллашида катта роль ўйнайди.

Ўша учрашувда Президентимиз "Адиблар хиёбони" деб номланган интернет портали ташкил этиш таклифини билдирди. Унда муомто ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи-шоир, адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек (лотин ва кирилч), инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсата, ундан хорижлик адабиётчилар ҳам бемалол фойдаланади. Бунинг учун портални профессионал тарзда яратиш, ўзбек адабиёти хазиналари жамланган асосий манбага айлантириш керак.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати раҳбари сифатида ушбу портални ташкил қилишда бир қанча таклифларни бермоқчиман.

Портал сарлавҳасига Алишер На-

воийнинг: "Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яққалам" мисраси ё бошқа адибнинг адабиётга оид бирор таъсирли сўзини ёзиш керак бўлади. Сўз порталнинг ташриф қозонига айланиши зарур.

Портал ташкилотчиларидан бири саналган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, аввало, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда нашриётлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари ва китобларнинг "ворд" ва "пдф" форматдаги нусхаларини электронлаштириш керак.

Шунингдек, порталда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Биринчи китобим" лойиҳаси ва умуман, ёш адибларнинг илк тўпламларининг электрон ва "пдф" форматдаги нусхалари бериладиган "Биринчи китобим" бўлимини ҳам яратиш керак. Бунда фақат китобнинг ўзини шунчаки жойлаб қўймасдан, муаллифларнинг сифатли сурати ва ёнида у ҳақида маълумот келтирилади. Китоблар ҳақидаги мақолалар ҳам шу ерга жойланади. Балки буни йиллар кетма-кетлигида ташкил этиш керакдир. Ёшларга бериллаётган эътибор айнан шу бўлимда кўриниши керак.

"Китоб ва кино" бўлимини ҳам очиб, унда фильмларга айланган асарлар ҳақида мақолалар, ўша фильмларнинг ўзини жойлаб бориш лозим.

Буларга профессионал жамоа ва салмоқли маблағ керак. Назаримда, бу борада ҳеч қандай муаммо бўлмайд.

Адиблар хиёбонидеги сўзга кўрсатилган бундай эҳтиром бугун ўзбек адабиётининг янги даврига тамал тоши қўйилганини билдиради. Энди ёзувчи-шоирларнинг ҳам мақсадлари юксалади. Энг асосий иш: жаҳон адабиётига бўйлашадиган асарлар яратиш. Бундан кўзланган оқил мударрани эса маърифатпарвар Абдулхамид Сулаймон ўйи Чўлпон бир аср наридан туриб айтиб кетган эди: адабиёт яшаса, миллат яшайди.

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати раҳбари.

BUYUKLARNING ORTIDA "AYOL" TURADI

Ҳар қандай кучли шахснинг ортида кучли аёл туради, хоҳ онаси, хоҳ умр йўлдоши, опа-синглиси бўлсин. Тарихда ҳам, бугунда ҳам, бунга мисоллар кўп. Илмий салоҳияти, маърифий қудрати билан дунё аҳлини ҳайратга солган аждодларимизнинг таржimai ҳоли билан яқиндан танишар эканмиз, у зотларнинг бундай юксак камолотида зукко онаси, доно бувиси ёки энагаси муҳим ўрин тутганидан воқиф бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қизларга пухта таълим бериш, уларни илмли, ҳар томонлама етук шахслар қилиб камолга етказиш ҳаётмамот масаласи бўлиб қолаверади. Ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти, ривожланиш босқичларини олис тарихдан бошлаб бугунгача ўрганиб келаётган америкалик олима Мариана Кемпнинг фикрича - "Хотин-қизларнинг ҳаёти яхшиланиши учун уларга муқаммал билим бериш ва эркин фаолият юритиши учун муҳит яратиш лозим. Токи улар кичик тадбиркорлигини бошлай олсин, даромадига ўзи эғлиқ қилсин, фарзандлар ва оиласи учун гапира олсин. Ана шу омилар аёлларнинг жамиятдаги ролини ку-

чайтиради. Ўзбекистонда кучли аёллар бор. Жуда илмли, фаол, ўз ўрнини ва ролини билладиган меҳнаткаш аёллар".

БМТ Аёллар агентлиги расмийси Лаура Туркетнинг таъкидлашича, хотин-қизлар тенглиги учун кураш ҳамон давом этмоқда. 1911 йилда дунёнинг бор-йўғи икки мамлакатда аёллар сайловларида овоз бера олган бўлса, бугунга келиб деярли барча мамлакатларда хотин-қизлар сайловда бемалол қатнашиш ва ҳатто парламентга сайланиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

ҳатто парламентга сайланиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. Шу боис жамиятда жиддий ўзгаришлар бошланди. Бугунги кунда аёл ҳуқуқларини таъминловчи қонунлар сероб, аммо улар амалда қандай қўлланилмоқда? Масала, шунда.

Қизлар ўқиши керак, дея жонбозлик кўрсатиб, толибон ўқидан қаттиқ жароҳатланиб, узоқ вақт Британияда даволаниб, эндиликда сал оёққа туриб, фаоллики давом эттираётган покистонлик Малала Юсуфзоё ҳам қизлар таълим олиши кераклиги бўйича курашди. У ҳамма қиз билимли бўлиши кераклигини таъкидлашдан чарчамади ва шахсий мактаб очиб уларни таҳсил олишга ундади. Малала Юсуфзоё ҳаяжон ила қилган нутқиде ота-оналарга мурожаат қилиб, фарзандларини ўқитишга ундади. Қизларга ҳам худди ўғилларингиздек келажаги порлоқ ва қобил инсонлар сифатида қаранг,

Mushohada

дейди у.
Жумладан у бир нутқиде шундай фикрларни илгари сурди: "...Менинг юртимда, Покистонда, террористлар халқни кўрқитиб, қизларнинг мактабга боришига тўсқинлик қилади. Мени ўлдирмоқчи бўлишди. Жуда кўплаб болалар улар қўлида қурбон бўлди. Бу инсонларни ҳеч ким билмайди. Улар шарафи учун ҳам болалар ҳаққини талаб қилишда давом этишимиз шарт. Бутун дунё бўйлаб, ёш авлод тинч ва соғлом яшаши, илмли бўлиши учун шароит яратилиши керак", - деди "Нобел" мукофотининг Тинчлик йўналиши совриндори Малала Юсуфзоё. Ҳар бир қизнинг ўқимишли бўлиши мустақкам оила, бахтли хонадон ва эркин муносабатларга сабаб бўлади.

Азиз тенгдошларим, доимо яхши таълим олайлик. Зеро, билимли аёллар, билимли келажакнинг давомчиси. Ҳамиша кучли билим ва интилишдан тўхтаманг!

Маржона ЖУРАҚУЛОВА,
Қарши муҳандислик иқтисодиёти академик лицейи 1-босқич ўқувчиси.

COVIDga ishonmaganlar birinchi nomzod

Мана ярим йилдан ошдики коронавирус пандемияси дунё бўйлаб авж ола олапти. Энг ривожланган давлатлар ҳам бу пандемиядан азият чекмоқда. Бунга аввало, карантин қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда. Карантин қоидаларига нима учун одамлар риоя қилмай кўйди. Тўйлар ўтказилди, бозорларда одамлар масофани сақламай кўйди, ниқобни номига тақди. Нега кўпчилик коронавирус юқишдан қўрқмади. Бунга сабаб баъзиларнинг касалликнинг борлигига шубҳа билан қарашида.



Яқинда ана шундай теҳаслик COVID диссидент коронавирусдан вафот этди. У COVID юқтирган одам томонидан уюштирилган COVID тантана (кечада)да қатнашганидан сўнг коронавирус инфекциясидан вафот этди

Бундай одамлар COVID диссидентлар деб аталади. Яқинда ана шундай теҳаслик COVID диссидент коронавирусдан вафот этди. У COVID юқтирган одам томонидан уюштирилган COVID тантана (кечада)да қатнашганидан сўнг коронавирус инфекциясидан вафот этди, деб хабар беради South China Morning Post (SCMP)

Йигит коронавирусни фирибгарлар ўйини деб ҳисоблаган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар АҚШда 135000 дан ортиқ одам вафот этган. Америкалик талабалар "COVID -19" ни қандай енгиларини синаб кўриш учун "коронавирус тантаналари" ўтказмоқдалар. Улимидан олдин у ҳамширага: "Биласизми, мен хато қилдим деб ўйлайман", деди.

"У ўзини ёш ва енгилмас – касаллик таъсир қилмайди", деб ўйлаганди, – деди Сан-Антонио касалхонасининг бош шифокори Жейн Апплеби. – Ёш беморларнинг аҳволи унчалик ҳам ёмон кўринмайди одатда. Аммо кислородни синаш ва лаборатория синовлари, аҳвол анча ёмон эканлигини кўрсатади, яъни унинг ташқи кўринишига ишонмаслик керак".

Ҳа, афсуски COVID диссидентлар (касалликни инкор қилувчилар) бугунги кунда нафақат ўз ҳаётларини, балки бошқаларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўйишмоқда. Дунё бўйлаб коронавирус пандемияси пайдо бўлганида, одамлар бу касаллик йўқ деб даъво қила бошладилар. Шу боис улар ўз ўзини изоляция қилишдан бош тортидилар ёки бошқаларни шунга ундадилар. Россияда хусусан Санкт-Петербургда "диссидентлар" деб аталган одамлар мавжуд. Бу одамлар майдонларда кечалар, шоулар уюштиришади.

Ушбу тоифадаги одамлар ҳақиқатан ҳам COVID-19 каби касаллик мавжуд эмаслигига ишонишади. Кўпинча улар пандемиядан фойда олишлари мумкин бўлганлар ҳақидаги маълумотларни тарқатадилар. Дастлаб, бундай одамлар коронавирус – бу Хитой иқтисодиёти йўқ қилишга қаратилган ҳужум эканлигини айтишди. Энди улар даъво қилишларича, Хитой вирусни йўқ қилиш учун дунёнинг қолган қисмига юборганмиш. Баъзи "диссидентлар" коронавирусни фармацевтика компанияларининг фитниси яъни пул қилиш йўлидаги "ўйини" деб ҳисоблашади.

Баъзи диссидентлар коронавирус гриппдан ёмон эмас, деган ақидани олға суришади. Хусусан, улар коронавирусни грипп билан солиштиришни яхши кўрадилар. Аммо тан олишни исташмайдиган бугунги кунда коронавируснинг ўлим даражаси анча юқори.

ЖССТ маълумотларига кўра, бир йилда 3,5–5 миллион киши гриппнинг барча турлари билан касалланади ва феврал ойидан бери деярли 5 миллион киши коронавируснинг янги турини юқтиришди.

Коронавирусни қизамиқ билан солиштирадиган одамлар ҳам бор. Аммо кўпчилик унга қарши эмлаш борлигини, бу касалликка қарши иммунитет мавжудлигини унуттишади. Ахир шифокорлар қизамиқни қандай аниқлашни қандай аниқлаш кераклигини билишади. Эътибор беринг, бугунги кунда қизамиқнинг юқумли касалликлари кўп ҳолларда одамлар эмланмаган жойларда қайд этилади.

КОРОНАВИРУС БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАР УНДАН ЎЛМАЙДИ

Дарҳақиқат, бу кўпинча шундай. Ушбу назариянинг тарқалишига одамларда юқумли касалликлар мавжудлигини алоҳида таъкидлайдиган баъзи куч тузилмалари ёрдам беради. Шу муносабат билан, интернетда ҳаттоки ҳазиллар пайдо бўлди, унда одам пичоқ ёки ўқ жароҳатларидан вафот этди ва шифокор охир-оқибат унинг коронавирусдан вафот этганини тўғрисида ёзишни талаб қилди. Ёки одам машиндан аварияга учради ва шифокор уни коронавирусдан ўлди деб ёзиб берди...

Ёки касалланганларда албатта ёндош хасталиклар борлиги эслатиб ўтилади. Аммо диссидентлар бир нарсани яна унуттишади, яъни агар вафот этган одам коронавирусни юқтирмаганида эди сурункали касалликлари билан узоқ яшаётган бўларди. Демак коронавирус иммунитетни параситиради ва организмнинг сурункали касалликларга қарши курашишини сусайтиради.

КОРОНАВИРУС ФАҚАТ КЕКСА ОДАМЛАР УЧУН ХАВФЛИМИ?

Ушбу турдаги коронавирус диссидентининг таъкидлашича, коронавирусдан фақат кекса одамлар қўрқши керак – уларга касаллик осон юқади ва иммун тизими заиф бўлгани учун осон вафот этади.

Дарҳақиқат, кекса авлоднинг ўлим даражаси ёшларга қараганда

анча юқори. Ва бу мантиқийдир – нафақат ўларнинг иммунитетини деярли юқумли касалликлар туфайли заифлашади. Бироқ, бу ёшлар коронавирусдан ўлмайди дегани эмас. Улар вафот этишади. Мана яқинда Ўзбекистонда 28 ёшли аёл, 14 ёшли ўсмир вафот этди. Вафот этганлар орасида 35 ёшлилари ҳам мавжуд.

Энди тасаввур қилинг кексалар ўзини эҳтиётлаб кўчага чиқмаслиги, жамоат жойларида юрмаслиги мумкин. Лекин ёшларчи, тунги клублар, турли кечалар – айнан ёшларнинг жамоат жойда кўп юришини ҳисобга олсак юқтириши ҳам шу даражада кўп бўлади ва ўлим сони ҳам кўпайиши турган гап. Нега яширин диссидентлар пайдо бўлди? Кўпинча бунга турли хил психологик сабаблар омил бўлади.

ХУДБИНЛИК

Бундай одамлар ўзларига ва хоҳишларига ҳаддан ташқари эътибор беришади. Улар пандемия туфайли ўз режаларини ўзгартиришга тайёр эмаслар – тўй учун зиёфат залини бекор қилиш, туғилган кунни нишонлаш ёки шоу ўтказиш.

БОШҚАЛАРДАН АЖРАЛИБ ТУРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ



"Ҳамма қўрқиб кетди. Аммо мен ундай эмасман. Қолганларнинг ҳаммаси аҳмоқлар, қўрқоқлар". Улар буни ҳамма жойда намоиш қилишади: кўчада, ижтимоий тармоқларда, блоглар ва видеоларда.

Бундан ташқари, одамлар ўз-ўзини изоляция қилиш чораларига эҳтиёж борлигига ишонмасликларининг сабабларидан бири касалликнинг даҳшатли оқибатлари ва азоблари ҳақида аниқ мисоллар йўқ.

Яширин диссидентларнинг энг кўп учрайдиган саволлари бежиз эмас – сизнинг камида битта дўстингиз коронавирус билан касалланган ва ундан кимдир ўлганми?

НЕГА ЯШИРИН ДИССИДЕНТЛАР ХАВФЛИ?

Чунки улар тавсияларга амал қилмайди. Яъни улар потенциал равишда бошқа одамлар учун ташувчи манба, вируснинг векторига айланиши мумкин. Диссидентлар коронавирус билан касалланган одам билан алоқада бўлганида, карантин қилинмайди. Охирига қадар улар ниқоб тақмайдилар, чунки "мен юқумли эмасман" ва касалхоналардан қочиб кетишади, чунки "бу ерда нима қилишим керак, мен соғломман". Бундан ташқари, улар жамоа бўлиб тўпланишади. Шундай қилиб, улар оддий одамга қараганда, кўпроқ одамларга юқтириши мумкин. Улар бошқа одамларни шифокорларнинг тавсияларига риоя қилмасликларига ва фитна назарияларини тарқатмасликларига ишонтиришади. Айниқса кўпчилик эшитадиган, эргашадиган фикр етакчилари бундай одамлар бўлишганда хавфлидир. Масалан, Буюк Британиянинг Бош вазири Борис Жонсон пандемия бошида коронавирус билан касал бўлишга чақирган. Коронавирус юқтириб олган бир мунча вақт реанимацияда ётди. Ва у ўз нуқтаи назарини ўзгартирди.

Хорижда изоляцияга қарши оммавий намоишлар ўтказилди. Бундай норозиликлар вируснинг ўчоқларига айланади. Масалан, АҚШда, ёшлар коронавирусдан қўрқмасликларини исботлаш учун жамоат жойларида ниқобсиз юришди. Улардан бири қўрқмасдан касалхонада коронавирусни юқтирди. Эронда, битта журналист, COVID-19 фантастика эканлигини исботлаш учун жамоат жойларида ибодатхоналарни ёқиб юборди. Бир неча hafta ўтган, эркак коронавирус туфайли келиб чиққан пневмониядан вафот этди.

Аммо энг ёмони шундаки, COVID диссидентлари бошқаларни ўйлашга мажбур қилишади – нима учун ҳуқуқбузарлар бемалол юришганда биз тўртта деворда азобланишимиз керак.

Коронавирус кундан кунга авж олапти. Ишонмаганларни ҳам, қўрқмасларни ҳам, ёшларни ҳам аяётгани йўқ. Коронавирусга чалинмаслик фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ бўлиб турибди. Иложи борича карантин қоидаларига амал қилиш, жамоат жойларига бормаслик, соғлом турмуш тарзига амал қилиш асосий вазифамизга айланган. Коронавирусдан қўрқмай ёки ишонмай соғлиққа хавф

етказгандан кўра, унинг борлигига ишониб, бу офатни талафотсиз енгган киши ҳеч нарса ютқазмайди, шуни унутмасак бас.

Интернет материаллари асосида **БАРНО СУЛТОНОВА** тайёрлади.

“MOVIY OSMON” OSTIDAGI MUZEY

Мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришда археологик ёдгорликларнинг алоҳида ўрни бор. Худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш давлат дастури қабул қилингани айтиш мумкин.

Наманган вилояти Норин туманининг Учтепа қишлоғи 2019 йилда “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилиши муносабати билан ушбу қишлоқда жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганиш зарурияти туғилди. Шу боис “Учтепа Булоқмозор археологик ёдгорлиги мажмуаси ва уни “Мовий осмон” остидаги музейга айлантиришга тайёрлаш” мавзусида лойиҳа тайёрлашга киришди. Лойиҳа доирасидаги ишлар эътиборга молик жараёнларни қамраб олганлиги учун мазкур лойиҳани Республика Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган амалий ва инновацион лойиҳалар танловига тақдим этдик. Ушбу танловда ғолибликни қўлга киритгач, дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

“Юқори технологиялар лабораторияси” геофизика тадқиқотлари натижаларининг археологик қазималар орқали очиб ўрганиш мақсадида 2019 йил апрелидан то октябрга охиригача “Учтепа 2” археологик объектида қазималар олиб борилди. Бироқ ўрганилган “Учтепа 2” археологик объекти мутлақо галвирак (пористый) маданий қатламлардан ташкил топан бўлиб, геофизика изланишларида кўрсатилган қурилма қолдиқларини тўлиқ режа асосида тиклашга имкон бўлмади.

Аммо асрлар давомида шўр ва нам таъсирида нураб кетган девор ва маданий қатлам қоринида факулдодда ноёб, жаҳон сайёҳларининг диққат-эътиборини ўзига тортувчи, оташпарастлик диний эътиқоди билан боғлиқ топилмалар чиқа бошладики, охир оқибатда ушбу объект Оташпа-

ражада ясалган нафис сопол идиш парчалари (улар орасида археологик бус-бутунлари ҳам бор), айрим ибодатхона роҳибаларининг қабрлари, қабр скелетлари бел қисмидан темирдан ясалган бел камарининг тўқалари, қурбонлик ҳайвонининг суяк парчалари ҳам топилди. Улар ёнидан эса темир пичоқ ва қабрга овқат билан қўйилган сопол идишлар, зардуштийликда муқаддас ҳисобланган кучуқлар қабри ҳам мавжудлиги аниқланди.

Топилмаларни тупроқдан тозалаш ва шифрлаш жараёнида сопол парчасида ва қатор тош маъбудалар танасида миҳхат алифбоси шаклида битилган энг қадимги ёзув намуналари ва олов билан боғлиқ самовий илоҳ ва фаришталар суратлари ишланган схематик тош-санамлар борлиги бизни ҳайратлантирди. Бу тошсанамларнинг баъзиларида ҳайвон ва балиқ суратлари ўзгача услубда чизилган эдики, уларнинг илмий қиммати қадимги маданиятимиз ва маънавиятимизни ўрганишда бениҳоят чексиздир. Чунки бу топилмалар Фарғона водийси туб жойли аҳолисининг аجدодлари орасида роса 2 минг йил аввал арамей ёзувида саводхонлик ва юксак тажрибали мусаввирлар бўлганлигидан ёрвоҳлик беради. Бундай қадимги ноёб ёдгорлик нафақат Норин



“ Дарҳақиқат, ибодатхона харобаларини қазिश жараёнида жуда ноёб топилмаларга эга бўлдик. Жумладан, улар орасида 40дан ортиқ оловга сигиниш алтар ўчоқлар, қурбонлик ҳайвонларини сўйиш учун тайёрланган 10дан ортиқ турли даврларга оид муқаддас тош пичоқлар, тошдан ясалган бир неча хил турдаги санам-маъбудалар, кўплаб оташпарастлик билан боғлиқ диний-культ ашёвий далиллар бор.

шаҳристон қисмида жойлашган. Ундан 500 метрлар чамаси шарқда, қадимда, қайнар булоқ ёқасида шаҳар ҳокимининг ёзги резиденцияси қад кўтарган (“Учтепа 1”). Унинг шўр босиб ғалвирак шўрғоққа айланган харобалари ўртаси чўккан Тупроққўргонни эслатади. Икки тепалик оралиғи ва қадимги шаҳарнинг катта ғарбий майдонида кейинги йилларда ховли-жойлар қурилиб, Учтепа Булоқмозор археологик ёдгорликлар мажмуаси ўзининг қадимги шаҳар қиёфасини йўқотган.

Қазималар давомида етарли даражада кулолчилик маҳсулотлари, тошга ишланган ёки махсус танланган дарё тошларига одамсифат ишлов берилиб ясалган схематик тош маъбудалар, қурбонлик тош пичоқлари, тош ёрғучоқ, палахмон тошлар, урчуқ тошлар, уй-рўзгор ва хўжалик меҳнат қуроллари ҳамда ҳар хил диний-культ предметлари топилди. Уларнинг ўз гуруҳига кўра тавсифи ва классификацияси куйидаги тартибда: кулолчилик маҳсулотлари, схематик тош маъбудалар, қурбонлик тош пичоқлари, муқаддас хаума ичимлиги тайёрлашда ишлатилган меҳнат қуроллари, диний культ предметлари, уй-рўзгор ва хўжалик предметлари каби стентларга жойлаштирилиб, “Мовий осмон” остидаги усти ёпилган қурилма деворлари айланаси бўйлаб виртуал музейга айлантирилади. Буларнинг ҳар бир гуруҳига бағишлаб рисолалар, тушунтириш диаграмма ва макетлар тайёрланиб, ушбу маънавият, маърифат ва маданият масканининг туб моҳияти очиб берилади.

“Учтепа 2” Булоқмозор мажмуаси ҳақиқатда жуда ноёб ва нозик объект. Ушбу маскан мафқуравий аҳамияти жиҳатидан икки жаҳон дини тўқнашган объектдир.

Уша кезларда араблар билан бирга келиб, оташпарастларни ислом динига киритиш бобида шухрат қозонган пайгамбарзода Қурайиш она номини ҳозиргача кекса учтепаликлар ҳурмат билан эслайдилар. Булоқ яқинида таркиб топган Булоқмозор қабристонини эса ана шу она қабри ва унинг издошлари ҳамда муридлари туфайли шаклланади.

Бу афсонавий қахрамон маҳаллий халқ орасида ҳозиргача Қора Хотун (қадимги туркийда “буюк мали-

ка”) номи билан маълум ва машҳур бўлиб, Қорахонийлар даврида унинг қабри устида шинамгина мақбара қад кўтаради. Ҳозирда эса Норин тумани раҳбариятининг қарори асосида пайгамбарзода Қурайиш она қабри ўрнида қишлоқ оилавий поликлиникаси, унинг қаторида, қадимги қабристон майдонида болалар боғчаси қад кўтарган.

Археологик ёдгорликлар Учтепа Булоқмозор мажмуасининг бир бўлағи бўлиб, мажмуа таркибида асосий объектлардан бири сифатида 650 метр чуқурликдан отилиб чиққан катта ҳажмдаги шифобахш тиниқ сувли қайнар булоғи бор. Булоқнинг шарқ томонида дарахтзор сўлим оромгоҳ жойлашган. Оромгоҳ обод қилиниб, муқаддас булоқнинг кўзлари очилди, булоқ атрофи янада ободонлаштирилиб, унинг шифобахш сувини қадоқлайдиган завод қурилишига киришилди. Уйлаймизки, бу шифобахш тиниқ сувли булоқ туман бюджетига катта даромад келтирувчи объектга айлантирилади. Шунингдек, булоқ сувининг бир қисмини сувсизликдан қақшаб ётган Учтепа қишлоғи орқали оқизиб, қишлоқ аҳолисининг ҳеч бўлмаганда бир қисми сув билан таъминланади. Булоқмозор микро-комплекси доирасида тадбиркорлар ташаббуси билан китоб ва газета-журнал дўконлари, замонавий ости ошхона, усти меҳмонхонали бинолар барпо этиш, турли тижорат дўконлари, маданий марказ ва кутубхона ташкил этиш режалаштирилди. Шунингдек, сартарошхона, енгил автотураргоҳ ҳам қурилади. Учтепа Булоқмозор комплекси доирасида тадбиркорлик йўли билан ҳар бири 30 квадрат метрдан кам бўлмаган 30 та хусусий тижорат дўконлари барпо этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Вилоят ҳокимияти бу ишларга катта эътибор бериб, бош-қош бўлса, келажақда бу масканни халқаро сайёҳлик санаторийсига айлантириш истиқболи мавжуд.

Президентимиз шарофати билан пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом қавмидан бўлган Қурайиш она ҳақидаги тарихий ҳақиқат моддийликда қарор топади, Осиё мусулмон мамлакатларидан ҳаж сафарига отланган сайёҳлар Учтепада барпо этилаётган туризм объектига қадам ранжида қилишлари, табиий ҳол. Бу эса, шубҳасиз, Учтепа Булоқмозор мажмуаси таркибида шинам бир масжид барпо этишни тақозо этади.

А. АСҚАРОВ,
тарих фанлари доктори,
академик,
Қ. АСҚАРОВ,
тарих фанлари номзоди.



растлик ибодатхонаси бўлиб чиқди.

Дарҳақиқат, ибодатхона харобаларини қазिश жараёнида жуда ноёб топилмаларга эга бўлдик. Жумладан, улар орасида 40 дан ортиқ оловга сигиниш алтар ўчоқлар, қурбонлик ҳайвонларини сўйиш учун тайёрланган 10 дан ортиқ турли даврларга оид муқаддас тош пичоқлар, тошдан ясалган бир неча хил турдаги санам-маъбудалар, кўплаб оташпарастлик билан боғлиқ ашёвий далиллар бор. Шунингдек, муқаддас хаума ичимлигини тайёрлашда ишлатиладиган тош ёрғучоқлар, минглаб кулолчилик чархида профессионал юксак да-


туманида, балки қадимги Фарғонанинг бирор вилояти ёки туманида ҳам шу пайгача учратилмаган.

Шундай қилиб, бу оташпарастлик ибодатхонаси Қадимги Фарғона (хитойча Даван-Дайюан, сўғдча Парғана) давлатини маҳаллий ҳокимликларидан бирининг ислом динига қадар аждодларимиз топиниб келган умумшаҳар диний-мафқуравий маркази бўлиб, бундай ёдгорлик Наманган вилоятида илк бор тўлиқ очиб ўрганилмоқда.

“Учтепа 2” оташпарастлик ибодатхонаси Миён Рудоҳ музофотининг пойтахти Хайламининг тарихий топографиясида қадимги шаҳарнинг

ARZANDA O'G'ILNING "KIRDIKORLARI"

pandemiya sabab barham topdi



Яқинда Бектемир туманидаги дорихоналардан бирига ниқоб олиш учун кирдим. Мендан олдин навбатда турган 16 ёшлар атрофидаги ўсмир йигит 20 ўрам кальция глюконат таблеткасини сотиб олди. Ўрамларнинг ҳар бирида 10 донадан таблетка бўлганда ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда 200 дона дори бор. Ўсмир йигит танишимнинг ўғли эди. У дорини сотиб олган, орқасига ўгирилиб мени кўрди-ю айб иш устида қўлга тушган одамдек каловланиб қолди. Кўнглимга келган гумондан шубҳаланиб, "Шунча дорини нима қиласан?" дедим. У "Менга эмас, онамга", дедию дорихонадан ўқдек учиб чиқиб кетди. Сотувчига "Нега рецептсиз ўсмирларга дори беряпсиз? Битта одам шунча таблеткани ичиши мумкинми?" дея савол бердим. У эса, "бўлиши мумкин, балки оилавий ичишаётгандир, бу таблеткани рецептсиз ҳам бериш мумкин", деган жавобни берди. Шу воқеадан сўнг икки-уч кун йигитнинг онасига қўнгироқ қилсамми, қилмасамми деган ўй билан юрдим. Виждоним тинчлик бермагач, танишимга қўнгироқ қилиб, ахвол сўрадим, дорихонадаги воқеани айтдим. Аёл ўглининг кейинги пайтларда ўзгариб, одамови бўлиб қолгани, тез-тез уйдан пул ўғирлаётганидан шикоят қилди. Хуллас шу воқеадан сўнг она ўглини дуч келган таблеткаларни ичишга ўрганиб қолганини билди ва уни шифокор кўригига олиб борди. Бир нечта муолажалардан сўнг уни психотроп дори воситасини қабул қилишдан қайтариб қолди.

ҚОНУНЧИЛИК
НИМА
ДЕЙДИ?

2019 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистонда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида киритилган алоҳида дори воситаларининг чакана савдоси фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш фаолиятига лицензияси мавжуд бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Минг афсуски нафсига қул бандалар бу қонунга амал қилишни истамади. Шундайлардан бири Тошкент шаҳрида яшовчи рухсатсиз психотроп дори воситаларини сақлаш ва сотишда айбланган Б.К. исми шахсга суд ҳукми ўқилди. Б.К. Жиноят кодексининг 251(1)-моддаси (Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш) 3-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Б. К суд залида бошини эгиб, бу жиноятни билмай қилганини айтиб, узр сўради. Яхшиямки унинг узри қабул қилинмади ва жазо тайинланди.

Бундай одамлар ўз хатосини билмайди ёки тушунмайди дейсизми? Асло улар бу ҳаракатларини нима билан туғашини, уларнинг харидорига айланган ёшларнинг умри қисқаришига, кечсалар таъбири билан айтганда "борса келмас кўчалар"га киришига ҳисса қўшаётганини билиб туриб қилади. Шунинг учун уларга қанча жазо тайинланса ҳам кам? Фақат кун келиб ўзининг ўғли ёки қизи мана шу оғунинг қулига айланиб, кўз олдида гулдек сўлаётганини кўрсатгани кўзлари очилиши, виждонлари ўйғониши мумкин. Бектемирлик ўсмирга ўрамлаб дорини тутқазаетган дорихона сотувчиси ҳам аллақачон ана шундай ёшлардан миқоз орттирган. Сотувчи бу йигитлар таблеткаларни ота-онасига эмас, ўзи учун олаётганини ҳам билади. Буни унинг хотиржам савдо қилаётганидан ҳам билиш қийин эмас. Агар заррача виждони бўлса бу ишларнинг олдини олиш мақсадида амалга тадбир этилаётган қонунларга ҳурмат билан қарарди.

2018 йил "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, психотроп моддалар ҳисобланган трамадол, лирика дорилари гиёҳванд моддалар таркибига киритилди. Лирика ва трамадолни сотиш

тақиқланганидан сўнг психотроп эквиваленти сифатида бошқа номдаги дорилар пайдо бўлди. Кашандалар энди арзон, чўнтаги кўтарадиган дориларни ичишни одат қилишди. Шифокорларнинг таъкидлашларича бу дорилар аввалига шунчаки

оғриқ қолдирадиган, ўрганиб қолганидан сўнг ичмаса холсизлик кузатилади. Зудлик билан бу касалликнинг олди олинмаса бепуштлиқ ва яна бир қатор касалликларни келтириб чиқаради.

ПЛЕСТЕЙШН ХОНАЛАРИДА-
ГИ НОСОҒЛОМ МУҲИТ

Дониёр 14 ёшда психотроп дори воситасини қабул қилишга ўрганиб қолди. Унга плестейшн хонасидаги "ака"лари "устоз"лик қилишди. Бошланишида бир икки марта ичиб, кейин ташлаб юбораман, деган йигит бу хапдоридан қутулишга иродаси етмади. Бора-бора қайси дорига пули етса ўшани сотиб олиб ичиб юрди. Уйланган бу балодан қутуламан, деб ўзини овутди аммо яна уддасидан чиқолмади. Аёли фарзандли бўлишни кутиб чарчади. Дониёрнинг бепуштлигини билган, ажралишга қарор қилди.

Бундай воқеалар кўплаб йигитлар ҳаётида содир бўлмоқда. Тўғри қишлоқларда ҳали бу одат "урф"га айлангани йўқ. Аммо шаҳарда аллақачон айрим йигитлар учун психотроп дори воситасини истеъмол қилиш эрмакка айланди. Агар сўзларимга ишонмангиз кечки соат 21-00 дан кейин до-

эмаслигини айтган. Айрим йигитлар унга таҳдид қилишган. Энг ачинарлиси бу харидорларнинг аксарияти ўзининг танишлари, маҳалладошлари, синфдошлари экан. Йигитларнинг баъзилари сотувчи қизга дўқ уриб, ҳеч кимга айтмаслигини, акс ҳолда унга яхши бўлмаслигини билдиришган.

МУАММОГА
ЕЧИМ БОР

Кўпчилик ота-оналар фарзандидаги ўзгаришни сезмайди ёки билса ҳам дардини ичига ютиб, "бир кун халос

бўлар", деган умидда индамай юраверишади. Пандемия шароитида ота-оналар асосий вақтини фарзандлари билан ўтказишга мажбур бўлишди. Шу сабаб боласининг дарди, муаммоси, аҳволдан огоҳ бўлди. Айрим ота-оналар фарзандининг соғлиғидаги муаммони ҳал этишга ҳам ўй топишди.

Икром 23 ёшда. Онаси автохалокат туфайли оламдан ўтган, акаси ва отаси учаласи қолишди. Икром тунги клубга қоровул бўлиб ишга кирди. Клубда қиладиган ишининг ўзи йўқ. Зерикиш ҳамда онасининг ўлимни унуттиш учун психотроп дори ичишга ўрганиб қолди. Ўртоқлари унга жуда кўп насиҳат қилишди, аммо таъсир қилмади. Эрталаб дадаси ва акаси ишга кетар Икром уйда ёлғиз ўзи қолади. Кеч тушгач улар ишдан қайтар Икром эса тунги қоровулликка кетарди. Хуллас ота ва ака тиркичлик ташвишлари билан бўлиб уканинг аҳволдан беҳабар қолишади. Икром куни бўйи уйда, психотроп дорини ичиб олиб кайфга берилиб ухлайди. Пандемия сабаб ота ака ва ука уйда ўтиришга мажбур бўлишди. Шунда Икромни айби очилиб қолди. Отаси насиҳат қилди, акаси бир неча марта калтаклаб ҳам кўрди, ношуд ўғил бу йўлдан қайтмади. Икромнинг отаси катта бир қорхонада ошпаз бўлиб ишлайди. Икром ишсиз қолган отаси уни ўз ёнига ёрдамчи қилиб ишга олди. Ҳар куни ота ўғил қорхонадаги 70 нафар ишчиларга уч маҳал овқат тайёрлашади. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай Икромни дори қабул қилишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмади. У эрталабдан кечгача отаси билан тиним билмай ишлайди, қўли-қўлига тегмайди.

Жисмоний меҳнат уни мана шу оғу домидан кутқариб қолди. Бундан кўринадики, боланинг фойдали меҳнат билан бандлиги ва оила даврасида ҳар бир муаммога ечим топилиши, инсонга хотиржам ҳамда бахтли кунларни ваъда қилиши шубҳасиз.

Нигора РАҲМОНОВА.

16 ёшлар атрофидаги ўсмир йигит 20 ўрам кальция глюконат таблеткасини сотиб олди. Ўрамларнинг ҳар бирида 10 донадан таблетка бўлганда ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда 200 дона дори бор.

Агар сўзларимга ишонмангиз кечки соат

21-00 дан кейин дорихоналар эшигига келиб, кузатиб турсангиз ўзингиз асосий харидорлар 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигитлар эканига гувоҳ бўласиз.

рихоналар эшигига келиб, кузатиб турсангиз ўзингиз асосий харидорлар 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигитлар эканига гувоҳ бўласиз.

Яқин дугонанинг қизи олти ой илгари дорихонага сотувчи бўлиб ишга кирганди. Яқинда уни бўшатиб олишга мажбур бўлди. Сабаби дорихонага психотроп дори сўраб кирган йигитларга бу дориларни рецептсиз сотиш мумкин

TARBIYADA KIM KO'PROQ MAS'UL?

Буюк француз файласу-фи Жорж Дантон "Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир" деганида қанчалар ҳақ эди. Яна бир оқилу доно файласуф Жорж Сантаяна эса "Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир" дея таъриф берганида ўн карра ҳақлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Зеро, оила бўстонида кўз очиб ўзини, мактаб кучоғида таълим-тарбия олиб дунёни таниган жажжи боланинг шахс сифатида шаклланиши, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топишида бу икки муқаддас даргоҳнинг ҳамкорлиги бениҳоя муҳимдир.

Минг йиллик кадрларимизга таяниб, буюк аждодларимизнинг болалигига назар ташласак, уларнинг аксарияти илк тарбия ва ибратни оталари ёки оналаридан олганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, жами муҳаддисларнинг султони Имом ал-Бухорий дастлабки тарбияни отаси Исмоилдан, у кишидан эрта айрилгач эса онасидан олганини ўқиганмиз. 2018 йили чоп этилган "Буюк юрт алломалари" китобида келтирилишича, Имом ат-Термизий, Муҳаммад Хоразмий, имом ал-Мотуридий, Бурхониддин Марғинойий, Абурайхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мир Алишер Навоий... сингари буюк бобоқолларимиз ҳам илк сабоқни оилалари даврасида, оталаридан ёки оналаридан ўрганганлар, буюк алломаларнинг илк тарбиялари билан оила даврасида шуғулланганлар. Шундан кейингина улар ота-оналарининг розиликлари ва интилишлари билан устозлар этагидан тутганлар. Улар илм-маърифат истаб не-не юртларни кезмадилар, қанча-қанча қийинчиликларга дучор бўлмадилар. Лекин интилишда, излашда давом этавердилар. Ўзларидан асрлар оша қиммати ошиб бораётган ислом, астрономия, метематика, табобат, адабиёт, маънавиятдан таълимот берувчи бебаҳо мерослар қолдира олдилар.

Айтмоқчиманки, боланинг шахс сифатида шаклланишида ота-онанинг ўрни, билими, маънавияти, болалари камолоти йўлидаги интилиши, оилавий муҳитнинг аҳамияти беқиёс. Бугун оилаларимиз, мактабларимиз ҳаётига айна шу маънода назар ташлайдиган бўлсак, ижобий ҳолатлардан кўра, салбийларига кўпроқ дуч келинаётганини кўрамиз. Бу ҳолат, албатта, сифатли ва самарали таълимга салбий таъсирини ўтказмай қолмайпти. Ваҳоланки, бу борада мустақил Ўзбекистонимизда қонуний, маънавий-маърифий асослар яратиб қўйилган. Бу асосларга таяниб шу тугиллаган бўлса, таълим ҳозирги натижалардан кўра, анча илгарилаб кетган бўларди.

ТАЪЛИМ СИФАТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТАЁТ-ГАН ҚУСУРЛАР

Бугунги глобал ўзгаришлар даври, ахборот технологияларининг ривожланиши, таълим тизимида замонавий педагогик технологиялар билан боғлиқ ислохотларнинг жорий этилиши болалар психологиясига у ёки бу маънода таъсирини ўтказмай қолмайди. Ота-онаси бакамти, болалари тарбияси ва келажига бефарқ бўлмаганларнинг фарзандлари даврнинг бундай тараққиёти билан ҳамқадам одим ташлай олади, олмаганда, ота-онаси ёрдамга oilavajamiyat@mail.ru



келади ва уларни тўғри йўналтира билади. Бундай болаларнинг замонавий таълим олишлари учун барча шароитлар яратиб берилади.

Оилаларнинг турмуш тарзи бир-бирига мутлақо ўхшамайди, истаимизми-истамайимизми, муҳитдаги тафовутлар болаларнинг мактаб даргоҳида ҳам табақаланиб қолишига олиб келяпти, яъни тарбияли-тарбиясиз, аълочи-қолоқ сингари. Болаларнинг руҳиятини ўргансангиз, тарбияли ва дарсларни яхши ўзлаштирадиганлари ота-она маънавиятли, дунёқараш кенг оилаларда улғаяётган бўлади.

Иккинчи тоифа болалар эса нотўлиқ, яъни ота-ажрашиб кетган, ажрашмаганда, турмуш тарзи носоғлом, жамият ҳаётига бефарқ ота-оналарнинг фарзандлари бўлиб чиқадилар. Яна бир тоифа ўқувчлар борки, улар ўзларини бошқалардан баланд тутадилар, кибруҳавага берилдилар. Боиси, улар тарбияланаётган оилада ота-она ҳаёт мазмунини пул топиш, бойлик ортиришдан иборат деб биладилар.

Бугун ҳою-ҳавасларга берилган кўпчилик оилаларимизда боланинг тарбиясига бефарқлик қусури мавжуд. Баъзан боласи ноўғай хатти-ҳаракат қилса, ҳуқуқбузарликлар содир этса, мактабини айбдор қилишдан уялмай-диган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Жамиятимизнинг энг оғриқли нуқтаси бўлган оилавий ажримлар тобора ортиб бора-



Яна бир қусур борки, бу ҳақда тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. У ҳам бўлса, вояга етмаган болаларини ташлаб, ризқ ахтариб хорижга чиқиб кетаётганлар ортидан болалар тарбияси ва, албатта, таълимида бой берилмаётган маънавий йўқотишлар. Асосан оталари, баъзан оналари ҳам (булар кўпроқ эри билан ажрашган аёллар), ҳатто ҳар иккилари мўмай пул илинжида хорижда юриб, энг катта бойлик – болалари таълим-тарбиясида бой бераётган маънавий бойликларини, қонун бўйниларига қўйган бурчларини унутиб қўйяптилар.

ётгани ҳам глобал ижтимоий муаммога айланди. Оқибатда аксарият болалар асосан ота тарбиясидан мосуво бўлиб қоляптилар. Нар и борганда кўнгли ўқик бундай болалар отаси, жуда кам ҳолатларда онаси томонидан бериладиган ҳозирги шароитда арзиманг алиментга қарам бўлиб қолмоқдалар. Бу нафақа ҳам бола 18 ёшга етганда, харажати кўпайган пайтда тўхтатиб қўйилади.

Оилаларни мустақамлашга масъул бўлган маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари ҳам, алимент ёки ажрим учун аризани кўриб чиқаётган фуқаролик судлари ҳам алимент ажратиш, муддат белгилаш, вақти етганда ажратиб қўйиш сингари расмийликдан нарига ўта олмайдилар. Вояга етмаган фарзандлар шу тариқа ҳам моддий, ҳам маънавий зарбалар гирдобига қолиб кетяпти. Бу ҳолат албатта боланинг руҳиятига, тарбиясига, дарсларни ўзлаштиришига, пировардида жамиятда ўз ўрнини топишига кескин салбий таъсир кўрсатади. Ёки "ёлғиз она", "оталикни белгилаш" сингари салбий кўрсаткичларга асос бўладиган ноқонуний, яъни шаръий никоҳларни олиб кўрайлик. Ваҳоланки, улар ҳам кам-маймапти. Бу ҳолатлар ҳам болаларнинг ўғай-ўқиклик исканжасига ўраб, руҳиятига, рисоладагидек тарбиясига путур етказмоқда.

Таклифим: Бахтимиз қомуси ва Оила кодексидеги "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқши ва тарбиялашга мажбурдирлар", "Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга" деган тамойиллар китоблар қатида қолиб кетмаслиги, фаол ишлашига эришмоқ даркор. Ана шундагина конституция-мизнинг 63-моддасидеги "оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" талаби бажарилади. Оила билан боғлиқ қонунларни тақомиллаштириб, боланинг манфаатларини кўзлаган ҳолда оила қуришда "никоҳ шартнома-си тузилиши шарт" деган тамойилни киритиш керак. Бу шартномада оилада фарзанд туғилгандан кейин унинг бошлана билан таъминланиши ҳуқуқи, қолган барча манфаатлари кафолатлаб қўйилиши шарт. Ана шундагина бола-

ларнинг конституцион ҳуқуқи ҳимоя қилинади.

Акс ҳолда ажримлар, қўш хотинликлар орқасидан инсоний кадр-қиммати жойига қўйилмаётган, асосан отаси, баъзан онаси томонидан манфаатлари таъминланмаётган тирик етимлар жамиятнинг энг оғриқли дарди бўлиб, тарбияси, таълими сизу биз кутган натижани бермай қолаверади. Ажримда ташаббускор бўлаётган томонга давлат божини ривожланган давлатлардагидек катта миқдорда белгилашганда, бу оғриқ аста-секин бартараф этилса ажабмас, деган фикрдаман.

Яна бир қусур борки, бу ҳақда тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. У ҳам бўлса, вояга етмаган болаларини ташлаб, ризқ ахтариб хорижга чиқиб кетаётганлар ортидан болалар тарбияси ва албатта, таълимида бой берилмаётган маънавий йўқотишлар. Асосан оталари, баъзан оналари ҳам (булар кўпроқ эри билан ажрашган аёллар) ҳатто ҳар иккилари мўмай пул илинжида хорижда юриб, энг катта бойлик – болалари таълим-тарбиясида бой бераётган маънавий бойликларини, қонун бўйниларига қўйган бурчларини унутиб қўйяптилар. Ҳозирги пандемия шароитида уларнинг аксарияти қайтиб келди. Лекин ҳамон қайтмаганлар ҳам бор. Ахир болалик, ўсмирлик, балоғат остонасида турган бола учун ота-онанинг меҳри, эътибори ҳар кун, ҳар соат керак-ку! Уларни мактабга кузатиш, кутиб олиш, дарсларини, бўш вақтини қандай ўтказаяётганини назорат қилиш кўп ҳолларда турмуш икки-чиркларидан чарчаган буви-буваларга қолиб кетяпти. Мактабга хоҳласа келиб, хоҳласа келмайдиганлар, дарсларни паст ўзлаштирадиганлар, тарбияси оғир болалар асосан шундай оилалардан чиқяпти. Ҳаётини кузатишларимдан биламанки, ҳуқуқбузарлик кўчаларига айнан шундай болалар кириб қоладилар. Бу ўринда болаларни айблаш адолатсизлик бўлур эди. Бош айбдор қонуний бурчини адо этмаган ота-она, мавжуд қонунлар ишлашини таъминлай олмаётган давлат идораларининг масъулларидир.

Сифатли таълимга биргалашиб мустақам пойдевор қўймоқлик, ким бўлишимиздан қатъий назар, ҳар биримизнинг бурчимиз эканини асло унутмайлик. Ахир ўсиб келаётган ҳар бир бола бизнинг, шу азиз ватанинг боласи. Эртамининг қандай бўлиши уларнинг интилишлари, меҳнатсеварлиги, таълим-тарбиясига боғлиқ.

Хадихон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ISROFGARCHILIKKA YO'L QO'YMAI LIK

Муқаддас ислом динимизда одамларга хушмуомалада бўлишлик ва уларга таом улашиш савоби улғу ишлардан дейилган. Дарҳақиқат, ихлосли халқимиз қадимдан бу суннатларга амал илиб келади. Мана шундай чиройли суннатлардан бири никоҳ тўйдидир.

Қадимдан хурсандчилик бўлган тўйни, ҳозирги кунда ўзимиз учун жиддий ташвишга айлантдирик. Тўйга қўшимча маросимлар, ҳар хил сарполар, ўнлаб тоғоралар қўшдик. Ўғлини уйлантириш, қизини узатишни ўйлаб, оталарнинг ҳатто соғлиги ёмонлашиб қолмоқда. Буларни барчаси орзу ҳавас деб кучимиз етмаган нарсаларга интилдик. Ҳанузгача мен сендан кам эмасман қабилида иш тутмоқдамиз. Бугун бутун дунёни ташвишга солаётган корона-вирус балоси бизни мамлакатни ҳам четлаб ўтмади. Ҳукуматимиз томонидан пандемия шароитини ҳисобга олиб 30 кишилик ихчам тўй қилишга рухсат берилсада, бу тўйнинг номи 30 киши, аслида эса 130 дан зиёд одам тўйлаб ҳам исрофгарчилик, ҳам касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Ойша розияллоху анхундан ривоят қилинади: "Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: "Энг баракали никоҳ – харажатлари энгил бўлганидир" (Имом Байҳақий ривояти).

Никоҳнинг баракали бўлиши сабабларидан бири – никоҳ харажатлари ва дабдаларининг камроқ,

yoхud yana to'ylarimiz haqida o'ylarimiz



енгилроқ бўлишидир, ким ўзарга тўй қилмаслиқдир. Баъзида қизларимизнинг тенги чиқса ҳам, янада яхшироқ жойлардан умид қилиб, ушлаб турамыз. Гоҳида қизнинг сепи тайёр эмаслиги, бунга қўлимиз калталигини рўқач қилиб, фарзандимизни умрини ўтказиб юборамиз.

Тенги чиққан қизларни турмушга узатмасак, кераксиз матоҳларни деб, тўйларни кечиктирсак, оиласиз эркак ва аёллар кўпаяди, зино ривожланади, насаблар кесилади. Жамиятда салоҳият ва ифбат камайд. Оқибатда қизларимиз

чет давлатларга мигрант сифатида ишга кетади. Бунинг аянчли ҳолати барчага маълумдир.

Баъзи йигитлар эса, ҳамма шароитимни яхшилаб оламан деб, уйланмай юришади. Натижанда ёшлари ўтиб қолади. Ваҳоланки, бир касбни бошини тутган, нафақаи рўзгор қила оладиган йигитлар камбағалликдан кўрқиб, уйланмай юриши, динимизга зид амалдир.

Бир нарсани тўғри тушушимиз керак. Орзу ҳавас деб фарзандларимиз никоҳини ортга сурамыз. Аслида оила

қурганларга Аллоҳ барака беради. Минглаб одамларга ош бердингиз, шу билан болангиз бахтли бўлиб қоладими? Тўйдан кейин катта қарзга ботдингиз? Одамлар сизга ёрдам қиладими? Ҳолинг шу экан, битта тўйдан кейин тамом бўлдинг, деб гапираверади, шунинг учун мусулмон одам исрофдан сақланмоғи керак. Тўйда турли исрофгарчиликлар қилиш динимизда қораланми ва бу ишдан қайтарилми.

Кейинги пайтларда халқимиз орасида куёв томон келин томондан баъзи харажатларни талаб қилиши кўпайиб қолди. Хўш, мана шу харажатлар ҳақида шароитимиз нима дейди, келин ҳақиқатан ҳам юқоридаги харажатларни қилишга мажбурми ёки ихтиёрлими? Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётларига назар қилсак, ул зот ва саҳобийлар тўй харажатларини ўз зиммаларига олганлар ва маҳр берганлар, лекин келиндан ёки келин томондан ҳеч нарса талаб қилмаганлар. Куёв томон талабгор бўлгани, совчи қўйгани учун, маҳр бериш, тўй қилиш – унинг зиммасида бўлади, албатта. Демак, келин томондан тўй ва бошқа харажатларни талаб қилиш мумкин эмас. Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш жоизки, келин томон ҳам ўз хоҳиши билан баъзи харажатларни қилиши мумкин. Бу улар томонидан эҳсон бўлади. Бу нарса ўзаро келишув ва шароитга тўғри келадиган урф-одатларга кўра бўлиши керак.

Аллоҳ барчаимизни тўйларда исрофгарчилик ва манманлик қилишдан сақласин. Фарзандларимиз бахтли ҳаёт кечирсин.

**Срорхон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Шўрчи туман бош имом-хатиби.**

KO'NGIL OBOOD – YURT OBOOD



Ободлик – кўнгиллардан бошланади. Кўнгли обод инсоннинг оиласи, хонадонини, ҳовлиси-ю томорқаси, маҳалласи ва эл-юрти обод бўлади. Чунки инсон кўнглидаги ободликдан ранг олган кўчалар, маҳалла гузарларидаги гўзаллик ватанга кўрку тароват бағишлайди.

Аслида ўзбек халқига ўзинг остонасини тозала, дейишнинг ўзи ноўрин туюлади. Боси, ҳар бир ўзбек хонадонининг доимий ривож қиладиган тонги амали ҳовли-жойини, остонасини, кўча

юзини супириб-сидириб, сув сепиш, мўъжазгина гулзорига тартиб бериш. Албатта, бу юмушларнинг бошида кўпни кўрган нуронийларимиз туришади. Шунинг учун ҳам халқимиз уйдан кўчани айиримайди.

Дарвоқе, уй ҳам, кўча ҳам ўзимизники, унинг тозаллиги ва ободлиги эса она ватанимиз гўзаллигига гўзаллик кўшади.

Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб "Жонажон юртим ободлигига ўз хиссамни қўшаман!" шиори остида "Обод маҳалла, обод кўча, обод хонадон" дастури доирасидаги кенг қамровли ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

бўлими томонидан ишлаб чиқилган режавий-жадвал асосида ҳар бир овул ва маҳаллада фуқароларнинг ўзлари яшаб турган хонадон, кўча ва маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, хонадонларда юксак санитария маданиятини қарор топтиришда ўзаро бирлашиб, аҳил-иноқлик билан ойлик тадбирларда фаол иштирокни таъминлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда маҳаллаларда тез-тез бўлиб, томорқа ҳўжалигини юритиш, аҳоли томонидан амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг бориши билан яқиндан танишиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказаямиз.

Биргина мисол, бу каби тадбирлар "Элатан" маҳалласида ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда. Бири-биридан обод ва фойзли кўчалар, хонадонлар, "Жонажон юртим ободлигига ўз хиссамни қўшаман!" шиори остида бирлашиб, ўзаро аҳилликда яшаётган, уй-жойлари ва маҳалласини янада обод ва кўркам гўшага айлантиришдек эзгу мақсад билан яшаётган аҳоли вакилларида кўча бўйларига экилган довдарахтларга шакл бериш, уйларнинг ташқи қисмларини таъмирлаш, безатиш, маҳалла гузарига сўлим гулзорлар барпо этиш ишлари кўнглидагидек олиб борилаётганини кўриш мумкин.

Ушбу маҳаллада истикомат қиладиган Хўвайдо опа Раҳмонова шу вақтгача якка-ёлғиз яшаган. Ишчи гуруҳ унинг яшаш ҳолати ва ёрдамга

муҳтожлиги ўрганиб маҳалла томонидан Хусниддин Темиров деган узоқ қариндоши бу хонадонга кўчириб келинди. Бу орқали ҳам онахоннинг ҳолидан хабар олиб турилади, ҳам бўш ётган томорқадан самарали фойдаланилади. Хусниддин Темиров номига кредит олинди ва иссиқхона қуриб берилди.

– Ҳаммасидан хурсандман, – дейди онахон қувонч билан. – Ҳолимдан хабар олиб туришибди. Қўй, товук берди. Иссиқхона, 3 хонали эски уйимни бузиб, ўрнига янги, чиройли уйлари қуриб беришпти, суюниб, шукрона айтиб ўтирибман.

Узоқ вақт давомида ёлғизликни бошидан ўтказган аёлни бугун бағри тўлди. Унинг хонадонидан ана шундай эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Биз шарқона, гўзал урф-одатларни ўз феълдаи мужассам этган, сўзида сўбит, фикрида мардона ўзбекмиз. Бизнинг халқ ҳеч қачон ўзганинг силтоти билан ўзгаришлар қилишга одатланмаган. Оиласидан бошланган гўзал ўзгаришни аввало маҳалласига, кейинчалик мамлакат миёсига олиб чиққан, мустақилликнинг эзгу гояларига ҳамоҳанг турмуш тарзини шакллантирган халқимиз. Демак, ўз уйи, маҳалласи, киндик қони томган замин – она ватан тараққиёти учун масъуллик тўйғуси бор экан, оила – маҳалла – ватан ободлиги учун ҳар лаҳзада бир эзгу қадам қўйилади. Зотан, ободлик – ҳар биримизнинг эзгу амалимиздир!

**Жамилахон МАҲМУДОВА,
Учкўрғон туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг ўринбосари.**

SO‘ZNING SUVRATI

(hayotiy voqealar)



Сўз нима? Бу саволга жўнгина қилиб, сўз инсоннинг хоҳиш-истаклари, орзу ўйлари, қалбидаги хис-туйғуларининг товушдаги ифодаси, дея жавоб бериш мумкин. Хўш, унда на кўз билан кўриб, на қўл билан ушлаб бўлмайдиган ана шу сўзнинг сувратга эга бўлиш мантиққа зид келмасмикан? Бир қарашда шундай. Аммо тафаккур ипидан маҳкам тугиб, чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, ҳаётда ҳар бир сўзнинг ўз сувратига эга эканлигини кўрамиз. Энг ҳайратланарлиси, бу сувратларда илоҳий ва ниҳоятда бир қудратли куч яширинганлигида.

Яқинда бир шифокордан эшитганларим мени ҳайратга солди. Унинг айтишича, онкология бўлимига текширувга келган иккита бир хил исм-фамилияли аёлларнинг ташхис қоғози алмашиб қолади. Шифокор аёлларнинг бирига "Опа, соппа-соғсиз, сизда ҳеч қандай саратон касаллигининг аломатлари йўқ" дейди. Иккинчи аёлнинг ташхис қоғозини обдон кўздан кечиргач, шубҳага ўрин қолдирмаслик учун унга чуқурроқ текширувдан ўтиш лозимлигини тавсия қилади. Буни қарангки, аслида саратон касалига чалинган бемор шифокорнинг янглиши айтган икки ойи оғиз сўзи туйфайли орадан икки ой ўтар-ўтмас ҳақиқатдан ҳам тамоман соғайиб кетади. Соппа-соғ аёл эса ички сиқилишлар, шубҳагумонлар сабаб тинимсиз изтироб чекади. Иккинчи бор ўтказилган ташхис чиндан ҳам унда саратон касали борлигини кўрсатади. Бу – сўзнинг қудрати, бу – сўзнинг ана шу икки аёл жисмидаги суврати – бири жонбахш, бири фожеали.

ТАҚДИРНИ ЎЗГАРТИРГАН СЎЗ

Бир гал тасодифан поездда сўз туйфайли ҳаётда фожеали сувратга эга бўлиб қолган бир кимса билан юзма-юз учрашиб қолдим. Олазарақ нигоҳлари, чўтир юзидаги чандиқлар, лабидаги совуқ ва истеҳзоли табассум бир қарашдаёқ кишини чўчитиби, қалбини кўрқувга солади. У билан битта купеда ёлғиз қолиш эса қанчалар даҳшатли эканлигини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Ушанда ўзимни хотиржам ва бефарқ қилиб кўрсатиш учун анча-мунча уринишимга тўғри келди. Бор кучимни жамлаб, китоб ўқишга тутинган киши бўлдим. Аммо унинг ниҳоятда ўткир, синчков нигоҳлари таъқибда бу хотиржамлик кўпга чўзилмади. Худди миямдаги ўйларга ўхшаб, китобдаги ҳарфлар ҳам бир-бири билан чувалашиб кетди. Қалбимдаги титроқ, кўлимга кўчди. Назаримда у худди ёвуз жодугарга ўхшаб, мени кўрқув домига ўраб, бутун хатти-ҳаракатимни издан чиқараётганга ўхшарди.

– Опа, ўқитувчимсиз? Унинг дагал овозида бетакаллуфона оҳанг бор эди. Лабда эса ўша совуқ ва истеҳзоли табассум.

– Йўқ, мен журналистман, – дедим қуруққина қилиб.

– Ҳа, шунақа денг, – чехраси сал ёришди унинг. – Мен бўлсам, сизни ўқитувчисиз, деган ёмон шубҳага бориб ўтирибман.

Унинг бу сўзлари мени ҳайрон қолдирди. Беихтиёр савол ифодаси акс этган нигоҳларимни унга қададим.

– Мен ўқитувчиларни ёмон кўраман. Улардан нафратланаман.

Қаршимда турган бу одамнинг гап-сўзлари, феъл-атвори ҳам турқиға ўхшаб ёқимсиз ва жирканч эканлигига ич-ичимдан ишонч ҳосил қилиб, бундайларнинг фикрини ўзгартириш ёки қарши чиқиш ахлоқликдан бошқа нарса эмас, деб ўйладим. Аммо у худди ичимдагиларни ўқиб тургандек,

– Ҳа, мен шунақа ёмон одамман, – деди аламаздалик билан. – Буни ўзим ҳам биламан. Аммо мен тамоман бошқача инсон бўлишим мумкин эди. Ҳаммасига ўқитувчиларим сабабчи. Шунинг учун ҳам уларни кўрарга кўзим йўқ...

Ёқимсиз ҳамроҳимнинг тўсатдан бундай жазавага тушиши мени бадтар кўрқувга солди. Бироқ айни пайтда унинг кўзларида зоҳир бўлган изтироб учкунлари, сўзларидаги нафрат ва аламга қоришилган дардли оҳанг уни чурқ этмай тинглашга ундарди.

– Болалигимда жуда шўх,

“**Бошланғич синфда мени “безори болалар” қаторига қўшиб қўйишган бўлишса, юқори синфга ўтгач, “тарбияси оғир болалар” руйхатига киритишди. “Сен одам бўлмайсан! Сенинг одам бўлишинг қийин”. ўқитувчиларим бир гапни қайта-қайта эслатишдан чарчашмасди. Мен эса борган сари шундай бўлишга ишонардим ва кўксимни алам, нафрат тобора забт этиб борарди. Шундан сўнг ҳаётга нафрат кўзи билан қарай бошладим, ҳамма-ҳаммани ёмон кўриб қолдим.**”

ўйинқароқ, ерга урса, кўкка сапчийдиган бола бўлганман, – дея ҳикоя бошлади у орадаги ноқулай жимликни бузиб. – Уйда ҳам, кўчада ҳам доим бир ишқал қақариб юрардим. Ота-онам гарчанд бунинг учун кўп танбех беришса ҳам, лекин ёлғиз қолишганида, “болалар аслида шўх бўлишади-да” деб кулиб қўйишганини эшитганман. Бироқ болалик шўхликларимни тушундиган ана шу жигарларим бахтсиз тасодиф туйфайли мени жуда эрта тарк этишди. Ушанда 7 ёшда эдим. Аввалига бу айрилиқнинг оғирлигини бола қалбим у қадар ҳис этмагандек эди. Аммо тоғамнинг қарамоғига олинган дастлабки икки-уч ойдаёқ, етимлик дегани нақадар даҳшатли қисмат эканлигини англаб етдим.

Тоғам ва унинг хотинини қаттиққўл дельмайман. Чунки улар болаларига жуда меҳрибон ва мулоий муносабатда бўлишарди. Менга келганда эса меҳр ўрнини нафрат, мулоийлик ўрнини қаҳр эгалларди. Улар тоғаваччаларимнинг ҳар қандай шўхликларини кечиришар, бундан завқланишар, аммо менинг ҳар бир хатти-ҳаракатим ҳаммиша уларга эриш туюлар ва ғазабларини кўзитарди. Нима қилмай, барибир бир қийиқ

топишарди. Аммо болалар жуда кўниқувчан бўлишади. Мен ҳам тез орада тоғам ва келиноийимнинг феъл-атвориغا мослашиб кетдим.

Мактабга илк қадам қўйган куним кечагидек ёдимда. Ушанда шодликдан юрагим худди қафасдан озодликка чиққан қушдек тинмай потирларди. Бу даргоҳ мен учун гўё барча йўқотганларимнинг ўрнини тўлдирувчи, ўқик қалбимга малҳам бўлувчи янги паноҳгоҳ эди. Ундан барча орзу-истакларим ижобатини кутардим. Аммо...

– Қани бўл, сен орқа партага ўт, – мен меҳр кутган биринчи муаллиманинг биринчи гапи шу бўлди. Бироз ранжидим, лекин тезда эсдан чиқариб юбордим.

Бола эмасманми, ўзимга ўхшаган ўйинқароқ болалар билан бирга шўхликларимга эрк берганимда эса у мени бурчакда оғир стулни кўтариб туришга мажбур қилди, баъзан синфдан чиқариб юборарди. Бир гал дарга кеч қолганимда, синфдошларим олдида изза қилиб, мени пол ювдирган. “Сен фаррошликдан бошқасига ярамайсан” деганида, болалар роса устимдан кулишганди. Ушанда кечаси билан йиғлаб, қаттиқ изтироб чекканман... Бошланғич синфда мени “безори болалар” қаторига қўшиб қўйишган бўлишса, юқори синфга ўтгач, “тарбияси оғир болалар” руйхатига киритишди. “Сен одам бўлмайсан! Сенинг одам бўлишинг қийин”-ўқитувчиларим бир гапни қайта-қайта эслатишдан чарчашмасди. Мен эса борган сари шундай бўлишга ишонардим ва кўксимни алам, нафрат тобора забт этиб борарди. Шундан сўнг ҳаётга нафрат кўзи билан қарай бошладим, ҳамма-ҳаммани ёмон кўриб қолдим. Юрагим исён кўтарди. Атайин шўхликлар қилиш йўли билан ҳаётдан ўча ола боладим... Ва ниҳоят устозларим башорат қилганидек мен одам бўлмадим, жиноятчига айландим.

Илк бор панжара ортига тиқишганида, 20 ёшда эдим. Ушанда ноконунги тарзда савдо-сотик қилаётганим учун менга оғохлантириш бераётган милиция ходимини калтаклаганман. Кейин дийдам қотди, ҳеч нимадан, ҳеч кимдан ҳайиқмай кўнглим истаган ишга кўл уравердим. Йўлимга ғов бўлганларни аяб ўтирмадим. “Бу дунёда фақат кучлиларгина яшашга қодир” – аслида чангалзор қонуни бўлган бу қоида менинг ҳаётий шioriимга айланди. Аслида, ҳеч бир инсон ўз ихтиёри билан ёмон одам бўлишни истамайди. Агар мен шундайлар тоифасидан бўлсам – бу менинг айбим эмас, атрофдагиларнинг таъсири. Улар менинг шундай бўлишимни исташди – “Сен одам бўлмайсан! Сенинг одам бўлишинг қийин” деган икки оғиз сўз билан мени одам қилиш масъулиятдан ўзларини осонгина озод этишди. Бу сўзлар орзу умидларимни пучга чиқарди, бутун ҳаётимни барбод қилди...

Ҳамроҳимнинг ҳикояси мени ниҳоятда таъсирлантирди. Унинг суврати мисолида сўз инсон тақдирини ўзгартиришга қодир эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Ирода ОРИПОВА.

KO'KSINGIZDA OY BALQISIN...

Катта-катта давлатларга, бекиёс бойликларга эга бўлган шоҳ Искандар ўлими олдидан васият қилган экан: "Кўлимни тобутдан чиқариб қўйинглр. Токи инсонлар билсинки, туганмас бойлик, давлатга эга бўла туриб, на-риги дунёга бўш қўл билан кетаяпман".

Бир умр елиб-югурамыз, бойлик орттириш, бировдан манфаат кўриш пайида бўламиз. Бунинг учун ҳеч нарсадан тоймаймиз. Меҳр-оқибат кўрсатиш, бир кўнгилни обод қилиш хаёлимизга ҳам келмайди. Бойлик – бевафо, мансаб – ўткинчи, умр – ўлчовли экани ёдимизда турганида эди, инсондан қоладигани яхшилик эканини бир нафас бўлса-да унутмаган бўлардик.

Инсонга ярашиқли хислат – кенг феъллик, бағрикенглик, яхшиликка, эзгуликка интилиш. Бироқ, кўпинча бунинг аксига дуч келамиз дилимиз оғриди. Ана ўшанда беихтиёр: "Эй, инсон боласи, дунёга қара, ҳаммага жой етди, ризкин бўла, нега шунда ҳам кўнглингнинг бир четига қора кўланка бор?", дегинг келди.

"Фойдаси тегмайдиган одам"

Байрам арафаси. Бемор, фахрийлар ҳолидан хабар олиш учун йўлга тушишганда Самаддон бошлиққа эслатди: "Адҳамбой отадан ҳам хабар олишни унутмайлик. Кеча ўғилларини кўргандим. Ҳоллари анча танг эмиш. Ҳар ҳолда жамоамиз фахрийси".

Яхши, деди машинанинг олд ўриндиғида ўтирган бошлиқ. Шу куни бир неча хонадонда бўлиб, совға-саломларни улашиб қайтишарканда, Самаддон яна эслатди:

Адҳам отаникига кирмаймизи? Бошлиқ жавоб бермади. Ҳайдовчи йигитга машинани Комилдон ота хонадонига ҳайдашни буюрди.

Бошлиқ, бу қанақаси? Комилдон ота корхонамида ишламаган бўлса. Ахир Адҳам ота, қадрдон ишонам-



Шунга айтаман-да, деди бошлиқ. – Энди бу одамдан хабар олдик нимаю олмадик нима? Бизга қандай фойдаси тегади? Ўғиллари ҳам бир тузук жойда ишламаса. Комил ота эса бошқа гап. Жамоамизда ишламаган бўлса ҳам, ўғлининг фойдаси тегади. Эшитмадингизми, катта ўғиллари – Баҳодиржон вилоятга янги лавозимга ишга ўтибди. Бир йўла уни ҳам табриклар келамиз.

дагилар келишибди, деб суюниб қолардилар. Беш кунлиги бормийўкми.

Шунга айтаман-да, деди бошлиқ. – Энди бу одамдан хабар олдик нимаю олмадик нима? Бизга қандай фойдаси тегади? Ўғиллари ҳам бир тузук жойда ишламаса. Комил ота эса бошқа гап. Жамоамизда ишламаган бўлса ҳам, ўғлининг фойдаси тегади. Эшитмадингизми, катта ўғиллари – Баҳодиржон вилоятга янги лавозимга ишга ўтибди. Бир йўла уни ҳам табриклар келамиз.

Самаддон чуқур ух тортиди. Эртасига тушда эса Адҳамдон отани-

кига таъзияга чақирдиши... Таниқли адибимиз А. Қаҳҳорнинг шундай гаплари бор: "Одамнинг чиқити бўлмайди. Биров тош, биров гул. Ўз ўрнида иккови ҳам керак".

"Домлангиз шоир эмас"

Мақтаб раҳбари ўқувчиларга: "Шоир ким? Биласизларми?" – деган саволни ташлади.

Пўлатжон домламиз шоир. Шеър ёзадилар, дейишди бараварига. – Шеърларини ёд биламиз.

– Йўқ, домлангиз ҳали шоир эмас.

Китоби чиқмаган. Ҳақиқий, тирик шоирлар бугун мактабимизга пойтахтдан ташриф буюришган. Улар сизлар билан учрашиб, мулоқотда бўлишади. Саволларингиз бўлса, қўрқмай бераверасиз.

Шу куни болалар "тирик" болалар шоирини кўришди. Барча хурсанд. Фақат "шоир бўлмаган" домлагина бир четда турар, юрагининг бир четига ғалати ўқиниши, таҳқирлашга ўхшаган хисми азоб берарди. Тўғри, ёзганларини жамласа, уч-тўрт китобга жой бўлади. Ҳали шу чоқча на туман, на вилоятга газеталарида ёритилган шеърлари ҳақида ҳеч ким ёмон фикр билдирмаган. Уй-жой деди, бу орада болалар улғайди, уларни ўқитиш, уйләш, узатиш дегандай... Ўзи учун пул ортмади. Энди эса шунча йиллик раҳбаридан ана шу гапни эшитиб ўтирибди.

"Қадрим шуми?" деган ўй туни билан унга тинчлик бермади.

Унга қарийб ўттиз йиллик қадрдон мактабидан кетиш оғир бўлса-да, бўшаш ҳақида ариза берди.

Халқ оғзаки ижодининг билимдони, профессор Малик Муродов ҳам ниҳоятда бағрикенг инсон бўлган эканлар. Қандай тадбир, анжуман бўлмасин, шогирдларидан бирортасига сўз берилмаган бўлса, домла сўзловчининг исм-шарифи олдига "профессор" сўзини қўшиб, зълон қилар эканлар. Шогирдлар:

– Устоз, одамни уялтирманг. Кўпчилик эътибор қилмаса ҳам, олимларимиз билишади-ку! Устимиздан кулиб юришмасин, – дейишса, домла:

– Қизиқсизлар-а, эртами-кечми, албатта, профессор бўласизлар. Мен бунга ишонаман, – дер эканлар.

Энди англасам, барча улўғлик

мақомига эришган инсонларнинг кўксига ой балқиб тураркан. Қалбларидаги ёруғлик қора кўланкага ўрин бермас, ўзгаларни улўғлаб, ўзлари янада буюклашиб бораверар эканлар. Шу боис, улар бўлган давраларда хушнудлик ҳукми сулар, кўнгил боғлари завол топмас экан.

"Уни ёмон кўрардим"

– Эшитдингизми, фалончи вафот этибди, – деб қолди бир танишим.

– Беҳабар қолибман. Сиз таъзияга бориб келдингизми?

– Йўқ.

– Унда ўтиб қўяйлик. Яхши одам эди раҳматли. Қачон қарама, елиб-югуриб ишларди.

Танишимнинг юзи тундлашди.

– Бирорта шерик топа қолинг, – деди асабий. – Мен уни ёмон кўрардим...

– Нега? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Доим омади чопарди...

... Кўшнингнинг уйига ўт кетди. Ён кўшниси куйиб, жароҳат олганига қарамай, уйдаги ваҳжларни ташиб чиқиш билан овора. Энг сўнггида темир сандиқни кўтарганда қафтларининг териси гўшти билан кўчиб чиқди.

Ниҳоят орадан бир неча кун ўтгач, иккинчи кўшни ундан қол сўраб кирди.

– Кўшни, сизни тушунмай қолдим.

У сизга қандай кунларни кўрсатгани ёдингиздан чиқди? Ҳатто қизингизни бадном қилишига бир баҳа қолди. Сиз эса унинг рўзгорини асраб қолдингиз. Аҳволингизга қаранг. Гўё ёнғин сизникида бўлгандай. Мана хабар ҳам олмамди-ку.

– Хафа эмасман, – деди ётган кўшни. – Болалари ёш. Уларга раҳмим келди. Эртага кўрпа-тўшаксиз, энгил-бошсиз, дилдираб турганларини кўрсам, бадтар азовланардим. Мен уларга фақат яхшилик истайман...

Албатта, бир оғизгина илиқ сўз, жиндақкина меҳр билан камайиб қолармик. Ахир инсонмиз, бир-бирини суягувчи, мадад берувчи... Биз эса осмонларда учиб юраемиз.

Кўконда хон ва шоир Амир Умархоннинг сўнгги манзилгоҳини биласизми? Зиёратгоҳдаги кичик бир хужра остонасида макон тутган эканлар. Халқ пойида ётишни Амирнинг ўзлари васият қилган экан.

Биз ўзимизни энг онгли мавжудот санаймиз. Аслида ҳам шундай. Бироқ миттигина чумолиларни, бир донагина донни биргаллашиб, аҳиллик билан инлари томон зўр бериб судрашаётганларини, само бағрида тўдалашиб ўчиб бораётган қушлар галасини кўрганда, улар биздан-да оқибатли, деб ўйланиб қолам.

Лобар РУСТАМОВА.

"UZUN KO'YLAQ TURKMAN QIZGA UYLANAMAN..."

Мархум Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг шу сарлавҳали жумлалари билан бошланувчи шеърый мисралари беихтиёр ўзга юрт гўзалларининг одоби, ахлоқи ва кийиниш маданиятидан сўзлайди. Аслида эса ҳар бир миллат ва златнинг ўз ўтмиши, қадриятлари ва анъаналари мавжуд. Лекин дид билан кийиниш маҳорати, қаерда қандай либос лозимлигига кўпчилик эътибор беравермайди.

Танқиддан йироқмиз. Чунки ажайиб либослар яратилмоқда. Чун-хоҳлаймизи йўқми, халқимиз Бу-ки бунга талаб бор. Бу бир элда обрў қозонган, санъати, тун бош-томондан яхши, одамни истеъдоди билан танилган ли саҳнада атлас хурсанд қилади. Аммо санъаткорларга тақдир шортик(калта шим) кийиб яқинда ойнаи жаҳонда концерт томоша қилади. Аммо миллионлаб қўшиқча олиб, узоқ вилоятлардан кеш-ладиган халқ бу саҳнадаги хонандадан нимани умуман мос эмасдек туюлди. Мутахассис эмасиз. Аммо миллионлаб қўшиқча олиб, узоқ вилоятлардан кеш-ладиган халқ бу саҳнадаги хонандадан нимани умуман мос эмасдек туюлди. Мутахассис эмасиз. Аммо миллионлаб қўшиқча олиб, узоқ вилоятлардан келадиган халқ

бу саҳнадаги хонандадан нимани ўрганади?! Тўғри, ҳамманинг ўзига яраша диди бор. Аммо миллий либосларимизни аёллар-у қизлар қолиб йигитларимиз ҳам халқ тилида айтганда "Иштон" қилиб, модани орқасидан куваётгани ачинарли ҳол.

Ўзбек аёллари, қизлари эғнида ибодан, ҳ аёдан сўзлаётган, акаларимиз, оталаримиз эғнида эса виқор, мардлик, салобатдан хабар бериб турувчи миллий либосларимизга етадигани йўқ.

Дарҳақиқат, чиройли тарбия билан бегона нигоҳлардан асранмоқ, бачканаликдан йироқ бўлиш ўзимизга боғлиқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, балки, "Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман..." деган мардлар учун узун кўйлақ ўзбек қизлари топилади.

ЧўЛПОНОЙ.

«QARIYALAR UYIGA OBORIB

Илк қурбонлик

Меҳриддин тўрт қиздан сўнг ўғил кўрди. Хотинининг кўзи ёриган кун ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон деб билди. Оғилхонадаги биттаю битта ғунажинни сотиб, ошна-оғайниларига зиёфат берди. Унинг бу ишидан хотини қаттиқ ранжиди. «Ахир шу ғунажин сигир бўлса, оғзимиз оққа етарди. Ўзидан кўпайса, биримиз икки бўлармиди...», деб норозлигини билдирганиди, Меҳриддин бели бақувват бойваччалардек унинг гапини кесди: «Вой, хотин, энди менинг ўғлим бор, ўғлим! Унинг учун битта ғунажин тугул ўнта ҳўккизим бўлсам, қурбон қилардим, билдингми, қурбон қилардим!»

Ёлғиз ўғилга ана шу жонлиқдан сўнг кўп нарсаларни қурбон қилди. Кўп умидларни, меҳрларни қурбон қилаверди...

Ҳавас ва ҳасад

Меҳриддин ўғлига Шербек деб исм қўйди. Унга бор меҳрини берди-ю аммо тўрт қизнинг бор-йўқлигини-да унутди. Катталари-ку унинг бу қилигини тушунагандек бўлишарди, бироқ дадасини жуда яхши кўрадиган кенжаси унинг пинжига сўқилса, бақувват қўллар уни нари итарарди: «Бор, онанга! Қаниқани, ота ўғил менга келинг-чи, соғиниб кетдим-ку, сени. Ўзимнинг полвон ўғлим!»

Бундай ҳол тез-тез юз берар, шундай пайтларда кўзларида ғилтиллаган ёш билан беш яшар қизалоқ укасига ҳавас ва ҳасад билан боқарди...

Бошқалари ҳам шундай. Бора-бора қизлар кўнглидаги ҳавас ўз-ўзидан йўқолиб, унинг ўрнини фақат ҳасад эгаллаб олди.

«Ота ўғил»нинг илк ёлғони

Шербек тантиқ бўлиб ўсди. У фақат отасининг гапига қирарди, ҳолос. Онаси унга қаттиқ гапирма олмасди. Бир гал эркаклик қилган ўғилга бир шалалоқ урган аёлини Меҳриддин болаларининг кўз ўнгига шунақадар беҳурмат қилдики...

Агар ўғлимга яна кўл кўтарадиган бўлсанг, қўлларингни синдираман, тушундингми? Ўғил болани шунақа шўх бўлгани яхши. Бу ота ўғил! — деди оғзидан тупук сачратиб.

Аёли гинг дея олмади. Ҳартугул, аввалгидек «ўғил туғмадинг!» деб айблаб урмаяпти-ку, деб ўзига тасалли берди. Лекин кўнгли баттар ғашланди.

Орадан икки кун ўтиб, Шербек қўшнни боланинг бурнини қонатиб келди. Боланинг онаси уларига аюханнос солиб келганиди, Шербек онасининг ортига аширинди. Қўшнни бир амаллаб ҳовуридан тушириб чиқариб юборди онаизор. Аммо Меҳриддин ишдан келганида, Шербек ўзини жабрдийда қўрсатиб, воқеага ёлғонларни аралаштириб айтиб берди. Меҳриддин кўшнсининг дарвозасини ғазаб билан тегиб кирди. Оғзига нима келса қайтармади. Кап-катта қўшнларининг эмас, муштдай боласининг гапига ишонди. Шу кўнглисизлик сабаб жон қўшнлар бир умрлик юз кўрмас душманга айланмишди...

Қиз боладан ахшироқ...

Шербек етти яшар бўлганида, дадасидан ит олиб беришни сўради. Ўғлининг оғзидан чиққани тугул чиқмаганини ҳам муҳайё қилишга одатланган Меҳриддин шу кунгича зотдор кучукча топиб келди. У каттаргани сайин қопагон бўла бошлади. Бир йилдан сўнг мактабдан қайтган тўнғич қизнинг оёғини тишлаб олди.

— Йўқотинг, бу ит ўлгурни. Тагин бошқа қизларининг тишлаб олмасин, деди аёл эрига.

— Йўқ, тегмаларинг менинг итима. У меники. Тишлаб олган бўлса, қизингизнинг ўзи унинг жигига теккан! — бақирди Шербек дадасининг ўрнига.

QO‘Y, BOLAM...»



Меҳриддин «эшитдингми?» дегандек аёлига қаради. Сўнг қўшиб қўйди: — Уша тўртта қизингдан мана шу битта ит яхшироқ, билдингми? Бошқа асабимни ўйнама!

Синган кўнгли

Тўнғич қиз дадасининг бу гапини эшитиб, сесканиб кетди. Ахир у

ўн учда, гапнинг галдан фарқини, маъносини бинийдек англайдиган ёшда эди. Қизнинг кўнгли шу кунни худди шишадек ёмон синди. Кейинчалик кўп уринсада, бу кўнгли қурғур бут бўлмади...

Кун сайин бу хонадондагилар икки жамоа аъзоларига ўхшаб қола бошладилар. Шўрлик она ва унинг тўрт қизи бир жамоа бўлса, калтабин ота ва унинг эрка ўғли бир тараф. Гоҳида оддий суҳбатлар ҳам баҳсага айланиб кетарди. Албатта бу баҳслар эркаларнинг ғалабаси билан тугарди. Меҳриддин ўғлини баргига босганча, ошқора тарзда хотини ва қизларининг устидан куларди.

Бир кун мактабда Шербекиннинг учинчи онаси Дилфуза қизлар билан уришиб қолди.

— Опангни анави ерда қизлар уришияпти. Бориб ҳимоя қилмайсанми? деди Шербекиннинг ўртоқлари.

Шербек ўша ерга борди. Фақат онасини ҳимоя қилиш учун эмас. Онасининг рақиб қиздан устун келаётганини кўрган Шербек овози борича қийқирди:

— Дилфуз кечкурун ўрнини хўллаб қўяди! — деб бақирди. Ҳамма бирдан жим қолди. Дилфуза укасининг тиржайган башарасини кўрди-ю тахтадек тош қотди. Сўнг қулқни қоматга келтирувчи кулги кўтарилди. Дилфузанинг ранги аввал оқарди, сўнг қизарди, кейин...

Кейин даврдан юлқиниб чиқди-да, кучи борича уйи томон югуриб кетди. Шербек қилиғидан мамнун ҳолда ўртоқлари билан нари кетди...

«Укамни ёмон кўраман!»

Дилфуза бу ҳақорат, бу шармандаликни кўтара олмади. Кўтара олмасди ҳам. Чунки унинг шундай дарди борлиги рост эди-да...

Унинг ҳали ҳаёт нималигини англаб етмаган кўнгли ҳаётдан совиди. Яшашни истамай қолди. Уйда ҳеч ким йўқлиги унга кўл келди. Бостирма томонга ўтиб... кўзи керосин идишга тушди...

Унинг ҳаётини асраб қолиш учун шифокорлар роппа-роса уч кун уринишди.

Уч кун ичида она ўттиз йилга қариди. Эндигина ўн бирга қирган қизини қандай шайтон йўлдан урганини билолмасди. Аслида қизининг жонига қасд қилишига эркатой ўғли сабабчи эканини ҳали билмасди.

Тўнғич қиз синглисининг кундалигини орадан анча вақт ўтиб кўриб қолди.

Унга ўша мудҳиш кунда Дилфуза шундай сўзларни ёзиб қўйган экан: «Укамни ёмон кўраман! Жуда-жуда ёмон кўраман!»

«Бу уйга ҳечам келмайман!»

Йиллар ўтаверди. Қизлар секин-аста тенгиларини топиб кетишди. Бироқ биргина Дилфуза ўша-болалигидаги воқеа сабаб касалманд бўлиб қолди. У ўнглаб бўлмас хатога кўл урганини тан олар, қариқиз бўлиб қолаётганини ҳис қилгани сайин укасига нисбатан нафрати ҳам ошиб борарди.

Қизлар бир-бир узатил-гунларигача бу уйда кўп марта жанжал бўлиб ўтди. Ука опаларини беҳурмат қилишда давом этарди-да. Ҳамма тўполоннинг ниҳоясида қизларнинг дилда бир аҳд туғиларди: «Агар турмушга чиқиб кетсам, бу уйга ҳечам келмайман, ҳеч қачон келмайман!»

«Сенинг тенгинг...»

Дилфузага совчи келмади ҳисоб. Чиройи бип-бинойи эди-ю, бироқ оғзи, ичакларидаги қуйишининг асорати сабаб бошқалардек овқат ея олмас, шу боис, озиб-тўзиб кетганди. Уни кўрганлар унга ҳали ўттизга қирмаган қизнинг эмас, балки эллик ёшлардаги аёлнинг ёшини берарди. Унга шуниси алам қиларди.

Уйда у ва укаси қолган, икки жигар ўртасидаги адоват янада кучайди.

Мен уйлангунча бу уйдан қорангни ўчир, тушундингми? — деди Шербек бир кунни. Мен севган қиз сени ёқтирмайди. Опанг эрга тегиб кетса, кейин сенга тегаман», деди. Агар у менга тегмаса, сени ўлдираман!

Дилфуза қон йиғлади. Шу пайт уларнингча човли сўраб чиққан қўшни келинчакка кўнглини ёрди. У билан дардини бўлишгиси келди. Укасининг гапларини йиғлаб айтиб берди.

— Дилфуза опа, агар хафа бўлмасангиз, бир гапни айтмоқчиман. Биз анчадан буён... дадамга яхши бир аёл излаб юрүвдик. Агар кўнглингизга оғир олмасангиз, сизни она қилиб ол-

сак. Тўғри, дадамнинг ёши каттароқ, лекин яхши одам...

— Розиман. Ойим билан гаплашинг, деди қон йиғлаб қиз бечора.

Онасини маст ҳолида қабрга қўйган ўғил

Опасининг тўйдан кўп ўтмай, Шербек уйланди. Ўзига ўхшаган такасалтанг ва зўравон ошналарининг тўс-тўполони билан ўтган тўйдан сўнг келинчак бир марта бўлсин, қайнона-қайнотасига ҳатто бир пиёла чой ҳам қуйиб узатмади. «Мен унақа эскича одатларни билмайман, мен замонавий қизман. Чидасанлар шу!» деди безрайиб.

Худди Шербек каби унинг ҳам бу уйда айтгани айтган, дегани деган бўлди. Бу вақтга келиб Меҳриддин ака ҳам, аёли ҳам анча кексайиб қолганди. Кекса она келини бўлатуриб, рўзгор ишларини ўзи бажараверди. Келин эса кунда, кун ора гоҳ эри, гоҳ қайнонаси билан жанжал чиқаришни қўймади. Шундай жанжаллардан бири уйда келин ва қайнона ёлғиз қолганларида юз берди.

— Боланинг хурматини қил, деяверасан. Мана шу ўғри, нашаванд болангни нимасини хурмат қилишим керак? Қараб тур, бу гиёҳванд сеплардан ҳам олдин ўлиб кетади. Ана ўшанда кўраман ахволларингни! деди икки ойлик келин қайнонасига қўлини паҳса қилганча.

Онанинг юраги шув этди. Боласининг бебошлигини биларди-ю аммо беадоғ йўлларга қирганини, беадоғ дардага йўлқичини билмасди. Келиннинг сўзлари миясини пармадек тешиб ўта бошлади...

Шундан сўнг юраги хуруж қилган қайнона узоқ яшамади. Ўн беш кун тилдан қолиб ётди-да, вафот этди. Шербек онасини қабрга қўяётган пайтда ҳам гиёҳванд модда таъсиридан сархуш эди...

Уйдаги ортиқча одам

Меҳриддин ака ёлғиз қолди. Ўғли ўзи билан андармон, келин ўз билганича яшарди. Ундан ҳолинг нима дегувчи инсоннинг ўзи йўқ. Қизлар келин ва уканинг захарханда гапларидан сўнг бу остонага қадам босмай кетганларига анча бўлган. Қолаверса, барининг отасидан кўнгли қолган...

Ўша кунни келин дугоналарига гап берди. Баланд овоздаги мусиқа, жувонларнинг қий-чуви етти қўшнига етарди. Неча кундан бери тоби бўлмаётган Меҳриддин ака бири амаллаб ташқарига чиқди-да, зиёфат бўлаётган хонанинг эшигини чертди. Ичкаридан чиқиб келган келиннинг кўзларида ғазаб учқунни сачради:

— Нега хонангиздан қилганингиз? — Қизим, мусиқани чип пастроқ эшитинглар. Ахир ойингизни ўтганига ҳали кўп бўлмади...

— Ўлган ўлиб кетди, менга нима? Сиз ҳам хонангиздан чиқмай ўтирсангиз, ўзингизга яхши бўларди! Ўзи бу уйда ортиқчасиз, яна нега асабимни ўйнайверасиз, а?!

Меҳриддин ака елкасини қисганча хонасига қайтди. Зиёфат шомдан кейин тугади. Ота ярим кечаси келадиган ўғлини ухламай кутиб ўтирди. Ниҳоят, дарвозадан чайқала-чайқала Шербек кириб келди. Ота ўғлини тўхтатиб, зарур гапи борлигини айтди.

— Нима дейсиз, пахан? деди Шербек кўзларини аранг очганча.

— Мени «Қариялар уйи»га обориб қўй, жон болам, мени ўша ерга обориб қўй. Худо хайрининг берсин, болам! деди Меҳриддин ака кўзларидан дув-дув ёш тўкиб.

Бу кўз ёшларида ўғли тугилганидан то шу кунгача ўтган кунлар, воқеалар бир-бир акс этарди...

Шаҳло ТОШБЕКОВА.

MODA deganlari shumi?

yxud insoniy fazilatlarimizga darz ketdi(mi)?!

ғарбча тўлқин кириб келаётгандек. Балки бу дунё ҳамжамиятидаги давлатлар қаторига қўшилиш учун энг яқин йўлди. Лекин ҳар нарсада меъёр ва тош-тарозини унутмаслигимиз керак.

Яна бир ачинарли ҳолатга кўз юмиб ўтолмаймиз. Икки жинс вакиллари учун, албатта ранглар кесими турлича. Йигитлар кўк, қора ва тўқ рангдаги кийимларни кийса, қизлар очiq ранглар: қизил, пушти, зангори рангдаги либосларини танлашади. Ҳозир эса бу тартибга "мода" аралашган бўлиб, йигитлар, эраклар эғнида ҳам қизил, гулли, тор кийимларни кўриб, хижолат бўласан киши. Оддийгина мисол. Яқинда кўшнимизнинг ўғли кўчамиздан ўтиб кетаётди, онасига баланд овозда гапириб кетаётганини гувоҳи бўлдим.

– Мода шунақа, ҳамма ўртоқларимда бор. Ярашиб турибди. Кеча дўконда кўрган ўша фудболкани олмасак бўлмайди.

– Уни қандай уялмай қиясан. Орқа томони гулли, олдида қиз болани расми турибдику? – деди кўшни аёл куйиниб.

– Эшитишни ҳам истамайман!

"Моданга ўт тушсин!" дея, ёш қизларни қошларига ўсма сиқиб, узун либослар билан чимилдиққа қузатган момоларимиз, фариштамисол нурунийларимиз қаерда қолди?!

Саволларга жавобни асл илдинини узокдан қидиришга ҳожат йўқ. Ичидан нураган, оила, никоҳ, меҳр-муҳаббатдан мосуво бўлиб бораётган, емирилган ғарбга ҳам айбни кўйиб бўлмайди. Асл моҳият ўзимизда, ўзлгимизда. Биз кимлигимизни, буюк миллат давомчилари эканлигимизни унутмасак бўлгани. Қимматбахо либос, мода ортидан қувшидан ҳам муҳимроқ ишларимиз, мақсадларимиз борлигини ҳис қила олсакгина комиллик сари қадам қўя оламиз.

Афсусланарлиси, жамиятимизда шундай беҳаё қатлам пайдо бўлганки, инсоннинг ташқи кўриниши, урфа қараб кийиниши, даста-даста пули-ю машиниси бор-йўқлиги билан очиқчасига ҳисоблашадиган орсиз кишиларнинг қатламидир у. Озгина камтар, одмигина кийинишингиз билан, гўёки "оқсуяк"ларни ранжитган бўласиз. Очилган эшиклар ёпилади. Инсоний фазилатлардан йироқ, одамайликни унутган бундай кимсаларнинг худбин феъллини авж олдирадиган дабдаба, ҳашамга асос бўладиган пул, латта-путта, аслида, инсон қадр-қиммати олдида арзимайди ҳам.

Жонингиз ачишади. Шундай файзли, чиройли, миллийлик уфурган миллитимиз бағрига ҳам шундай жирканч иллат ёпишдими? Глобаллашувни тўхтатиб бўлмайди. Ахборот ва медиа маконни ҳам назорати баъзан издан чиқади. Бундай вазиятда фақатгина мустақкам ирода ва гўзал тарбиямиз билан қалбимизни асрамоғимиз лозим. Сабаби, ҳар қандай қалб ва ақл соғлом бўлса, инсоний фазилатларимизга ҳам зарар етмайди, уни ҳеч қанақасига ёт гоғлар, ахлоқсиз кўриниш касб этган, бачкана модалар асир эта олмайди!

Чўлпоной АҲМЕДОВА,
журналист.

Жамиятимиз, ҳаётимиз ва кундалик турмушимизга турли хил янги одатлар, замонавий тилда айтганда "мода"лар кириб келмоқда. У ҳоқ кийим-кечак бўлсин, хоҳ одоб-ахлоқ ёки урф бўлиб улгурган онлайн мулоқотларда ўз аксини топиб борар экан, ҳаётимизга нечоғлики керак ва муҳим деган савол туғилади. Келинг, ёшлар, ўсмирлар нигоҳи билан фикрлаймиз. Насиҳат ўз йўлига. Бугунги кун учун "тарбиявий соат" лар аҳамиятини йўқотиб улгурди.

Инсон борки, ўз кўзи билан кўрган, эшитган воқеялигига ишонади. Шундай экан, хоҳлаймизми, йўқми ўсмирлар, ёшлар учун асосий минбар ижтимоий тармоқлар, ТВ, интернет ҳисобланади. "Мен сендан камми, ундан нима кам" каби яширин исён, таъқиб бевосита ёшлар руҳиятига таъсир қилади. Албатта, ёшлар эркинлик тарафдори, замонавийлик, модани улар кўриб, ён-атрофга диққат назари билан қараб ўрганадилар. Кўр-кўрона тақлид эса қўпол маколни ёдимизга солади. Кўча-кўйда, жамоат жойларида нафақат ёшлар, балки ёши катталар ҳам "Эшакка тўқим кўйгандек..." кийиниши ғашингизни келтиради. Эстетик дид ёхуд маданиятнинг маълум бир босқичидан ўта олмайётган ўспиринларни тушуниш мумкин. Аммо катталаримизга нима бўлди? Айниқса, аёлларимизнинг шарқона лутфи, табиий гўзаллиги, ҳаёсига зеб берадиган рўмоллари қаерга қойиб бўлди? Аксинча, мода кетидан қувиб, "туреческий" кийинишу юз, лабларини "ботекс" қилиб шиширишдан у ёғига ўтишмайди. Афсуски, бу "гўзаллик" қимматга тушаётгани, "кўш уясида кўрганини қилади", каби иборага ҳамоханг оилада тарбия топаётган қизларнинг онги, психологиясига зарар етмаслигига ким қафолат бе-

ради?! Ёки бўлмаса, йигитларимиздаги сурхон, андижон, чуст дўппилар қани? Бир мақола ўқиган эдим. "Қанийди, ҳар куни аъза бўлсайди", деган. Бу қора ниёт учун айтилган иқтибос эмас, аслида. Мақолада таъзиядаги эраклар ва аёлларнинг ибод, ҳаёси, кийинишини кўриб ҳавас қилган муаллифнинг фикру хулосалари келтириб ўтилган эди. Баъзида кишилар тилида "Замон шундай, эҳтиёж бор, талаб шунақа, мода экан" деган жумлалар тез-тез қулоғимизга чалинади. Шу ерда ўринли савол туғилади. Хўш, янги гича модалар-у урфларни ким жамиятга олиб киряпти? Ким бундан манфаатдор?! "Божхонадан" омон қолган, турли солиқ, мажбуриятларидан тинкаси қуриган, мол-ҳолини сотиб, ўзини бизнесга урган тадбиркорми?! Ёки энди ўсмир оstonасига етиб, оқ-қорани таниб улгурмаган боласини хорижга ишга юбориб, 300-400 долларлик бойвачча хонимга айланган кайвони хотинларми?! Ривожланиб бораётган бизнес, ўсаётган иқтисодиёт учун экспорт ва импорт, товар айрибошлашни аҳамияти арзигулик. Импорт бўлаётган товарлар билан бирга бозорларимиз ва турмуш тарзимизга европача маданият,

"Мужской рядда" турибди. Қизларникимас. Ҳозир ҳамма болалар шундан қияпти....

Алалхусус, давоси йўқ дарддек ёпишаётган мода – нега миллийлигимизга зарар етказиши керак?! Нега атлас лозимини кийган, бошига дурра ўраган жувонларимизни "замондан орқада

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1455. Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳиж: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5